

75.580
2818

Маматқул ХАЙЛАЕВ

ШАХМАТ САБОҚЛАРИ



қоидалар • стратегия • тактика •
комбинация • зарбалар • қопқонлар

Маматкул ХАЙЛАЕВ

ШАХМАТ САБОҚЛАРИ

Тошкент – 2016

УЎК: 794.1
КБК: 75.581
X-18

Хайлаев, Маматкул
Шахмат сабоклари / М.Хайлаев. – Тошкент: Yurist-media
markazi, 2016. –112 б.

ISBN 978-9943-4337-8-6

УЎК: 794.1
КБК: 75.581

Бизга маълумки, мамлакатимизнинг ёш шахматчилари жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ана шундай муваффақиятларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш мақсадида шахмат ҳақидаги турли адабиётларга эҳтиёж сезилмоқда.

Шахмат бўйича халқаро спорт устаси Маматкул Хайлаев мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва тўғарақларда шахмат ўрганувчиларга қулай бўлиши учун мазкур китобни яратди. Ушбу сабоқлардан шахмат мураббийлари, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва мустақил ўрганувчилар фойдаланишлари мумкин.

Такризчи ва масъул муҳаррир:
Олимжон Ўсаров,
Ўзбекистон шахмат федерацияси
Ижроия Қўмитаси аъзоси

ISBN 978-9943-4337-8-6

© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2016 йил

БИРИНЧИ БЎЛИМ


1-дарс

ШАХМАТ ТАХТАСИ

*64 минг олам мужассам унда,
Ҳар бир хонасида сиру-синоат.
Янги фикр, гоялар улғаяр бунда,
Қайнар қураш, зайрат, шижоат.*


Шахмат энг қадимий ўйинлардан биридир. У гўёки, икки лашкарнинг жанг санъатини эслатади. Лекин бу фикрлар қурашига асосланган ўзига хос санъатдир.

Шахмат тахтаси 64 та тенг катакларга бўлинган. Тахтанинг бўйи ва эни бўйлаб 8 тадан қаторлар жойлашган. 64 катакнинг 32 таси оқ, 32 таси қора рангларга ажратилган ва улар кетма-кет, яъни ҳар бир қаторда оқ ва қора катаклар навбат билан жойлаштирилган. Катакларни хоналар деб аташ ҳам мумкин (1-шакл).




1-шакл

Тахтанинг юқорига (бўйига) томон кетма-кет жойлашган хоналари йиғиндиси йўлак(лар) дейилади. Шахмат тахтасидаги йўлак(лар) сони 8 та (2-шакл).




2-шакл

Тахтанинг ён томониغا (энига) қараб кетма-кет жойлашган хоналар йиғиндиси қатор(лар) дейилади. Шахмат тахтасидаги қаторлар сони ҳам 8 тадан иборат (3-шакл).




3-шакл

Тахтанинг бир хил рангдаги катакларини (хоналарини) тугаштирувчи йўл(лар) қия йўлак(лар) дейилади (4-шакл).



4-шакл

Шахмат тахтасини шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: чап қанот (фарзин қаноти), марказ, ўнг қанот (шоҳ қаноти) (5-шакл).



5-шакл

❓ Савол ва топшириқлар

1. Дафтарингизга шахмат тахтасини чизинг.
2. Чизилган тахтада 2 тадан йўлак, қатор, қия йўлак ва катакларни рангли чизикларда белгиланг.
3. Шахмат тахтасида нечта оқ, нечта қора хона

мавжуд? Уларнинг жами сони қанча бўлади?

4. Йўлак ва қаторлар нечта?

5. Тахтадаги энг қисқа ва энг узун қия йўлакларни топинг. Улардаги катаклар сонини аниқланг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Жисмоний тарбия инсон танасидаги кучларни сақлашга ва ривожлантиришга хизмат қилгани каби шахмат ҳам фойдали ақлий машғулот сифатида бутун дунёда тан олинмоқда.

Вильгельм СТЕЙНИЦ

2-дарс

ШАХМАТ ЁЗУВИ

– Қайси кўча, қай бир хона,
қандай топай манзилингиз?

– Ўргансангиз «шахмат тилин»
осон бўлар мушқулингиз!

Шахмат тахтаси билан танишиб чиқдик. Ўйин коидалари ва доналарнинг ҳаракатини ўрганишдан олдин шахмат ёзуви, яъни алифбосидан фойдаланишни билиш зарур.

Тахтанинг йўлаклари лотин ҳарфларида белгиланади ва эни бўйлаб ҳарфлар алфавит бўйича ёзилади: а, в, с, d, e, f, g, h (2-шаклга қаранг).

Чап томондан а йўлаги, в йўлаги ва ҳ.к. тарзида номланади.


Тахтадаги қаторлар эса бўйига томон рақамлар билан белгиланади: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8.

Ҳисоб тартиби куйидан бошланади ва 1-қатор, 2-қатор... 8-қатор тарзида номланади (3-шакл).

Тахтанинг ҳар бир катагини ёзувда ифодалаш учун шу хона жойлашган йўлак ҳарфи ва қатордаги рақамдан фойдаланилади.

Масалан: а йўлагидаги катаклар куйидагича ифода этилади: а1, а2, а3, а4, а5, а6, а7, а8.

Ёки 5-қатордаги хоналар (катаклар) а5, b5, с5, е5, f5, g5, h5 тарзида ёзилади. (6-шакл).



6-шакл

Қия йўлаклардаги катаклар: а1, b2, с3, d4, е5, f6, g7, h8 каби ёзилади ва а1-h8 қия йўлаги деб юртилади. 6-шаклда хоналарнинг белгиланиши кўрсатилган.

Ҳозирча дастлабки зарур атамалар билан танишайлик:

Шакл – шахмат тахтасининг тасвири.

Вазият, ҳолат – шахмат тахтасидаги доналарнинг маълум бир ҳолатда жойлашуви.

Тахта – шахмат ўйини ўйналадиган майдон, жой.

Хона – шахмат тахтасидаги маълум катак.

❓ Савол ва топшириқлар

1. а) Дафтارينгизга a, b, c, d, e, f, g, h ҳарфларини ёзинг.

б) 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 рақамларини ёзинг.

с) Шахмат тахтаси чизмасидаги йўлакларни ҳарфлар билан, қаторларни рақамлар билан белгилаб чиқинг.

2. а) «с» йўлагидagi катакларни ёзувда ифодаланг.

б) Дафтарга 3-қатордаги катакларни ёзиб чиқинг.

с) f1-а8 қия йўлагидagi катакларни аниқланг ва оғзақи ифодаланг. Дафтарга шу катакларни ёзиб чиқинг.

3. а) Шахмат тахтаси ёрдамисиз хаёлан «с» йўлагидagi хоналарни вараққа ёзиб чиқинг ва текшириб кўринг.

б) Шахмат тахтаси ёрдамисиз хаёлан 7-қатордаги хоналарни оғзақи ёки ёзма равишда аниқлаб чиқинг ва текшириб кўринг.

с) h1-а8 қия йўлагидagi хоналарни ҳам шу тариқа аниқланг. Бу топшириқларни ўртоғингиз билан синаб кўринг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахмат ҳаётдаги кўпгина зарур фазилатларни тарбиялайди. Фаросат ва қатъият билан йўл танлашга, жасур ва айни дамда эҳтиёткор бўлишга ўргатади. Бир сўз билан айтганда, шахмат инсон характерини тоблайди.

Эмануэль ЛАСКЕР

3-дарс


ШАХМАТ ДОНАЛАРИ

*Саф тортиб туришар оддий аскарлар
Сирли жанг олдидан сақлаб сукунат.
Қурашга шайланган лашкарбошилар
Ахир, ҳал бўлаётир тақдир, ҳақиқат!*

Шахмат ўйинида «икки лашкар» – оқ ва қора рангдаги доналар иштирок этади. Ўйновчи томонлардан бири оқ, иккинчиси қора доналарни бошқаради.

Тўғри, амалда ранглар айнан оқ ва қора бўлмасдан, оч ва тўқ рангларнинг бошқа хиллари ҳам қўлланилиши мумкин. Лекин адабиётларда доналарни ва ўйновчи томонларни фарқлаш учун «оқлар» ва «қоралар» атамаси ишлатилади. Ҳар бир томонда 8 тадан сипоҳ ва 8 тадан пиёда, жами 16 та дона бўлади ва ўйинда 32 дона иштирок этади.

Томонларда беш турдаги сипоҳлар мавжуд: биттадан шоҳ ва биттадан фарзин, иккитадан рух, иккитадан фил, иккитадан от бўлади, булар сипоҳлар деб номланади.



7-шакл

7-шаклда доналарнинг тахтага терилиши, яъни шахматдаги бошланғич ҳолат тасвирланган. Оқ доналар биринчи ва иккинчи қаторларда, қора доналар еттинчи ва саккизинчи қаторларга терилиши шахмат адабиётларида ифодалаш учун асос қилиб олинган.

Амалда ўйновчи томонларнинг чап томонидаги яқин бурчакда қора катак, ўнг томондаги яқин бурчак оқ катакда бўлиши шарт.

Оқ шох қора катакда, қора шох эса оқ катакда терилишини унутмаслик лозим.

Адабиётларда доналарни ифодалаш учун қисқача белгилардан фойдаланилади. (Жадвалга қаранг.)

Дона-ларнинг номи	Қисқача белгиланиши		Доналар тасвири	
	Ўзбек-ча	Лотин-ча	Оқ-лар	Қора-лар
Шох	Ш	Sh		
Фарзин	Фз	Fz		
Рух	Р	R		
Фил	Ф	F		
От	О	O		
Пиёда	п	p		

Жадвалда кўрсатилганидек, ёзувда доналарнинг бош харфлари белги сифатида кўрсатилган.

Энди шахмат ўйинидаги бошланғич вазиятни ёзувда белгилаб чиқайлик. (7-шаклга қаранг.)

Оқлар: Шe1, Фzd1, Pa1, Ph1, Фc1, Фf1, Ob1, Og1, пиёдалар: a2, b2, c2, d2, e2, f2, g2, h2.

Қоралар: Шe8, Фzd8, Pa8, Ph8, Фc8, Фf8, Ob8, Og8.

Пиёдалар: a7, b7, c7, d7, e7, f7, g7, h7.

Ёзувдан кўриниб турибдики, дастлаб сипоҳларнинг бош харфлари, сўнгра сипоҳ ёки пиёда жойлашган катак ифода этилади.

Пиёдаларни ифодалашда фақат шу пиёда жойлашган катакни ёзиб қўйиш kifоя. Уларни қисқача «п» деб ёзиб кўрсатиш ҳам мумкин.

❓ Савол ва топшириқлар

1. Шахмат тахтасига доналарни мустақил териб чиқинг. Оқларда ва қораларда нечтадан дона борлигини аниқланг.
2. а) Оқ пиёдалар қайси қаторда жойлашган?
Қора пиёдалар-чи?
б) Шохлар турган хоналарни ёзувда ифодаланг.
с) Рухлар турган хоналарни дафтарга ёзиб қўйинг.
Уларнинг жами сони нечта?
д) Фарзинлар қайси рангдаги катакларда жойлашган?
3. Доналарнинг бошланғич ҳолатларини дафтарга ёзиб қўйинг.
4. Сипоҳлар ва пиёдаларнинг шаклини чизишга ҳаракат қилиб кўринг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Менга қолса шахматни барча мамлакатларда мактабларнинг ўқув дастурларига киритган бўлар эдим. Ўқувчилар шахматни йўл-йўлакай эмас, балки ёши ва қобилиятига мос ҳолда махсус дастурлар асосида ўргани боришлари лозим.

...Чунки, инсон руҳий қиёфасини шакллантириши ва ўстиришида шахматнинг аҳамияти каттадир.

Хосе Раул КАПАБЛАНКА

ЎЙИН ҚОИДАЛАРИ

*Шахмат ҳам ҳаётга ўхшайди асли,
Кимдир шох, ким пиёда насаби-насли.
Эгрироқ юради фарзин-у филлар,
Рух-чи, тўғри йўлда югуриб-елар.
Пиёдани топтар гоҳида отлар,
Гоҳида пиёда шохни мот этар.*

Шахмат ўйини оқ ва қора доналарнинг курашига асосланган.

Ўйновчи томонлардан бири оқ, иккинчиси қора доналарни бошқаради. Уларни рақиблар деб атаймиз. Одатда шахмат ўйини икки рақиб ўртасида ўйналади. Дастлаб томонларда кучлар тенг, яъни 16 тадан дона бўлади. (7-шаклга қаранг).

Ўйинда томонлар навбатма-навбат юришади.

Ўйинни оқлар бошлайди. Қоралар жавоб-юришини амалга оширади. Юриш галида фақат битта дона юриш мумкин. (Шоҳни яшириш, яъни рокировка қилиш қоидаси бундан мустасно).

Юриш галини ўтказиб юбориш ёки юришни қайтариб олиш тақиқланади. (Бу ўйин қоидасига зид).

Шахмат доналари нафақат ташқи кўриниши билан, балки ҳаракат қоидалари, кучи билан ҳам фарқланади.

Ўйиннинг энг муҳим донаси – шоҳ ҳисобланади.

Агар шоҳ юриш имкониятларига эга бўлмаса, яъни кишт берилганда мот бўлса, шу томон ўйинни ютқазган бўлади. Шунинг учун шоҳ доимо ҳимояланади.

Шахмат ўйини бош мақсади шу асосда қурилган.

Томонлардан бири ўйин ҳолатига қараб, шоҳи мот бўлмасдан олдинроқ ўзини ютқазган ҳисоблаши, яъни таслим бўлиши мумкин. Рақиблар ўзаро келишган ҳолда маълум вазиятда (имкониятлар барабар бўлса), ўйинни дуранг ҳисоблашлари ҳам мумкин.

Мусобақа вақтида ютган томонга 1 очко, ютқазган томонга 0 очко берилади.

Ўйин дуранг натижа билан тугаса, очко икки томонга бўлинади, яъни 0,5 очкодан берилади.

Шахматда ўйлаш вақтини чегаралаш учун мусобақаларда махсус соатлар қўлланилади.

Ўйин учун ажратилган муддат назорат вақти дейилади. Вақт иккала томон учун бирдек тақсимланади. Назорат вақти турлича бўлиши мумкин.

Ўйин учун ажратилган вақт давомида рақиблардан бири ўз вақтини тугатиб қўйса, яъни белгиланган юришлар сонини амалга оширишга улгурмаса, шу томон ўйинни ютқазган ҳисобланади.

Расмий мусобақаларда (баъзан оддий ўйинларда) ўйинлар ёзиб борилади. Вақт танг ҳолатларда (яъни цейтнот ҳолатида) матн ёзиш вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Ўйин вақтида рақибга турли йўллар билан ҳалақит бериш, айтайлик, гапириш, столни чертиш кабилар тақиқланади. Шахмат сабр-тоқатли, интизомли ва иродали бўлишга ўргатади.

❓ Савол ва топшириқлар

1. Шахмат ўйинидаги энг муҳим донга қайси?
2. Қандай ҳолатларда ўйин тугаган ҳисобланади?
3. Ўйинда тенглик, яъни дуранг бўлиши мумкинми?

- 4:а) Ютуққа неча очко берилади? Мағлубиятга-чи?
Дуранг натижа учун неча очко берилади?
б) Шахматчи тўрт ўйиннинг учтасини ютди, бир ўйинда ютқазди. Унинг жами очкоси нечта?
в) Шахматчи уч ўйин ўйнаб, уч хил натижа кўрсатса, жами очкоси қанча бўлади?



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахмат ўйнашни ўрганиш осон, лекин яхши шахматчи бўлиш қийин.. Тажриба – энг яхши муаллим. Ёдда тутинг: кучли шахматчи бўлишдан олдин юзлаб ўйинларда ютқазилишингизга тўғри келади.

Хосе Рауль Капабланка

5-дарс

ДОНАЛАРНИНГ ЮРИШ ҚОИДАЛАРИ

*Ўйинда ниёда кетса ҳеч гапмас,
Ҳатто рўй беради фарзин қурбони.
Лекин, шохни асранг, дўстларим,
Шоҳ мот бўлса – рақиб даврони!*


ШОҲ

Энди доналарнинг юриш қоидалари билан яқиндан танишиб чиқамиз. Тахтада ҳаракатланувчи доналар турлича кучга эга.

ШОҲ – бош ва энг бебаҳо сипоҳ ҳисобланади. Ёзувда кискача Ш ҳарфи билан белгилаймиз (Sh).

Айтайлик, шоҳ марказда d4 хонасида жойлашган бўлсин (8-шакл). У ҳолда Ш d4 тарзида ёзамиз. Энди унинг ҳаракатланишини кўриб чиқайлик.

Шоҳ фақат бир хона юра олади.



8-шакл

8-шаклда шоҳнинг ҳаракатланиш чегаралари кўрсатилган. Демак, d4 хонасидаги шоҳ йўлак, қатор ва қия йўлақлар бўйлаб фақат бир катакка юриши мумкин экан. d3, d5, c4, e4, c5, e3, e5, c3 катаклари шоҳ юра оладиган хоналардир.

Энди d4 хонасидаги шоҳнинг юриш имкониятларини ёзиб чиқамиз.

Йўлак бўйича: 1. Шd4-d3 1. Шd4- d5

Қатор бўйича: 1. Шd4-c4 1. Шd4- e4.

Қия йўлақлар бўйича: 1. Шd4-c3 1. Шd4-c5 1. Шd4-e3
1. Шd4-e5.


Шоҳ ҳимоясиз рақиб донасини ютиб олиши мумкин.

9-шаклдаги ҳолатда Шоҳ қора отни ютиб олади ва шу хонага жойлашади 1.Шс6: b7.

Ютиб олинган сипоҳ ўйинда қайта ишгирок этмайди.

«Кипт бериш» – рақиб донасининг шоҳга хужумидир.

Икки шоҳ бир-бирига ёнма-ён туриши мумкин эмас.



9-шакл


9-шаклда оқ ва қора шоҳларнинг бир-бирига яқинлаша олмайдиган хоналари «х» белгисида кўрсатилган.

«Мот» – бу кишт берилганда шоҳнинг юриш имкониятлари тўла чекланган ҳолатдир.

Шоҳ юра олмаса «мот» бўлади. Демак, ўйин ниҳоясига етган ҳисобланади. Шоҳни уриб олиш мумкин эмас.

Мот қоидалари билан келгуси мавзуларда батафсил танишиб борамиз.

❓ Савол ва топшириқлар



10-шакл

1. 10-шаклдаги ҳолатларда оқ ва қора шоҳларнинг юриш имкониятларини аниқланг ва дафтарга ёзиб чиқинг.

2. a1 хонасига шоҳни қўйинг. У нечта хонага юра олади?

3. Оқ шоҳ h1 хонасида, қора шоҳ h3 хонасида жойлашса, уларнинг юра оладиган хоналарини аниқланг.

4. e1 хонасидаги шоҳни a5 хонасига энг қиска йўл билан олиб боринг. Неча юриш талаб этилади? Энг узун йўли учун нечта юриш керак бўлади?

✓ **Белги ва атамалар:**

«:» – донани ютиб олиш.

«+» – «кишт» бериш.

«x» – «мот» белгиси.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахмат воситасида мен характеримни тарбияладим. Шахмат авваламбор воқеликка ҳаққоний баҳо беришга ўргатади. Худди ҳаётда бўлгани каби шахматда ҳам киши ўз хато ва камчиликлари моҳиятини англаб етсагина моҳир уста бўлиб етиша олади.

Александр АЛЁХИН


ФАРЗИН

*Ҳам эпчилман, ҳам чаққон,
 Ҳужумга шайман ҳар он!
 Шоҳнинг ёнида-ку ҳозир у нозир,
 Ахир мен фарзинман – Бош вазир!*

Шахмат сипоҳлари ичида энг кучлиси – фарзиндир. Чунки у энг ҳаракатчан ва эпчил дона ҳисобланади. Ёзувда қисқача Фз ҳарфи билан белгиланади (Fz).

Фарзин ҳам шоҳ сингари юриши ва ютиши мумкин. Лекин ҳамма фарқ шундаки, шоҳнинг ҳаракат доираси фақат ён қўшни катаклар билан чегараланса, фарзин шу йўналишлар бўйича исталган катакларга юра олади.

8-шаклдаги вазиятда шоҳнинг ўрнига фарзинни қўйиб кўрамиз. Шоҳ бу хонадан 8 та катакка юриши мумкин эди. Фарзин эса бирйўла 27 та катакка таъсир ўтказади. Демак, у 27 хил юриш имкониятига эга (11-шакл).



11-шакл


Тахтанинг a1 хонасидаги шоҳ h8 хонасигача 7-юришда етади: 1. Ша1-b2 2. Ш b2-c3, 3. Шc3-d4, 4.

Шd4-e5. 5. Шe5-f6. 6. Шf6-g7. 7. Шg7-h8.

Фарзин эса бу ораликни бир юришда босиб ўтади.

1. Фза1-h8.

Демак, фарзин шоҳга нисбатан анча тезкор экан! У узокдаги рақиб доналарини бемалол юта олади.



12-шакл

12-шаклдаги вазиятда фарзин саккизта қора доналардан хоҳлаган биттасини уриб олиш имкониятига эга:

1. Фзе5:e2. 1. Фзе5:a1. 1. Фзе5:c5. 1. Фзе5:b8.

1. Фзе5:e8. 1. Фзе5:f6. 1. Фзе5:g5. 1. Фзе5:h2.

Шоҳ энг бебаҳо ва бош сипоҳдир.

Фарзин – шахмат кўшинидаги энг кучли сипоҳ.

❓ Савол ва топшириқлар

1. Фарзинни а8 хонасига кўйинг. У нечта хонага юриш қилиши мумкин?

Энг узун юришида нечта хонага юра олади? Бундай юришлар сони нечта?

2. Тахтада тўртта фарзинни шундай жойлаштирингки, улар бир-бирига хужум қилмасин. (Дафтارينгизга шу хоналарни ёзиб қўйинг).

 **Белги ва атамалар:**

«!» – кучли юриш.

«!!» – жуда кучли юриш.

«?» – хато, заиф юриш.

«??» – қўпол хато.

 **Буюк кишилар шахмат ҳақида**

Шахмат оқилона ҳаракат қилишга, масъулиятни ҳис этишга, билимни ошириш учун интилишга, мустақил фикр юритишга ўргатади. Бу ҳамма кишилар учун зарур.


Макс ЭЙВЕ

7-дарс

РУХ

*Содик дўстдир рух, ҳам тўғри юрар,
Ҳимояда доим шоҳ ёнин олар.
Хужумга ташланса, гоҳида агар,
Ё мот қўяр, ё қурбон бўлар.*


Рух – фақат йулақлар ва қаторлар бўйлаб тўғри юрувчи: сипоҳдир. Ёзувда қисқача Р ҳарфи билан белгиланади (R).



13-шакл

13-шаклда рухнинг ҳаракатланиш имкониятлари кўрсатилган. Бўш тахтанинг қаерида турганлигидан қатъи назар, рух 14 та хонага юриши мумкин.

Рух фарзидан деярли икки баробар кучсиз, чунки у қия-йўлаклар бўйлаб (фарзин сингари) юриш ҳуқуқидан маҳрум. Бироқ икки рух ҳамжиҳатликда ёлғиз фарзидан кучлироқ ҳисобланади.



14-шакл

14-шаклда c4 хонасидаги рух 4 та рақиб сипоҳидан бирини уриб олиши мумкин:

3. Юқоридаги юришлар учун рух ҳамда фарзинга нечтадан юриш талаб қилинади? Энг кам юришлар сонини аниқланг.

4. Шох h1 хонасидан a8 хонасига неча юришда етади? Фарзин-чи? Рух-чи? Шу юришларни дафтарда қайд этинг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахматнинг уч қирраси мавжуд – ўйин, фан ва санъат. Ёшлар даставвал шахматнинг мазмун-моҳиятини, шундан сўнг спорт ва ўйин билан боғлиқ хусусиятларини ўрганмоғи лозим. Мана шу йўлгина узоқ ва мустаҳкам муваффақиятни таъминлайди.


Михаил БОТВИННИК

8-дарс

ФИЛ ВА «ОЧМАС»

*Филлар абжир, чаққону бироқ,
Танлаган йўллари бироз эгрироқ.
Хўжум-ҳимояда елиб-югурар,
Ютқазиб кўйишни доим ор билар.*

Фил қия йўлақларда ҳаракатланувчи енгил сипоҳ ҳисобланади. Ёзувда Ф ҳарфи билан белгиланади (F). d4 хонасидаги фил фақат a1-h8 ва g1-a7 қия йўлақлари бўйлаб исталган хонага юриш ҳуқуқига эга (16-шакл).



16-шакл

Рақибларда ўйин пайти иккитадан фил бўлиб, булардан бири оқ хоналар бўйлаб, иккинчиси эса қора хоналар бўйлаб юради. Оқ хоналар бўйлаб юрувчи фил оқ катакли фил, қора хоналар бўйлаб юрувчи фил қора катакли фил деб аталади.


16-шаклдаги вазиятда b1 даги фил фақат оқ хоналарга юра олади. Бу a2 хонаси ва b1-h7 қия йўлагидаги хоналардир.

Марказдаги фил 13 та хонага юриш имкониятига эга.

Бурчакдаги фил фақат 7 та катакни «кўзлай» олади.

Демак, марказда жойлашган ҳар қандай сипоҳ кучлироқдир.

Фил қия йўлакдаги рақиб сипоҳларини ютиб олиши мумкин.



17-шакл

17-шаклда f3 хонасидаги фил 4 та сипохдан исталган бирини ўз юришида ютиб олиши мумкин:

1. Фf3:h5. 1. Фf3:g2. 1. Фf3:d1. 1. Фf3:b7.


Лекин e3 ёки f7 даги пиёдаларни ура олмайди.

Фил рухдан кучсиз, бироқ икки фил бир рухдан кучлироқ ҳисобланади.

Филнинг муҳим хусусиятларидан бири – рақиб сипохларини «очмас»да қолдиришидир.

«Очмас» – бу шахмат жангидаги жанговар усул. Уни яхши билиш ва ўйинда қўллай олиш керак.

«Очмас» – бу орқасида шоҳ ёки кучлироқ сипох жойлашган донага ҳужум қилиш усулидир.



18-шакл

18-шаклдаги ҳолатда g2 хонасидаги оқ фил қия йўлак бўйлаб «очмас» усулини қўллаган, яъни b7 даги фарзинга ҳужум қилади. Фарзин филнинг ҳаракат йўналишидан кета олмайди. Чунки орқасидаги a8 хонасида қора шоҳ турибди. Шоҳни ҳужумдан тўсиб турган сипоҳни юриш мумкин эмас. Шоҳни кишт остида қолдириш ёки кишт остига юриш ҳам қоида бўйича тақиқланади. Филга фарзин алмаштирилса, оқлар куч жиҳатдан ўзиб кетади ва ғалаба қилиш имкониятлари кўпаяди.

Шу вазиятда қора рух ҳам «очмас» усулини қўллаши мумкин. a4 даги рух a1 хонасига юрса, c1 хонасидаги оқ от «очмас»да қолади. Оқ от тўла «очмас»да, чунки юриши мумкин эмас. Шунингдек, d4 даги қора фил f2-пиедасини тўла «очмас»да тутиб турибди. h7 даги оқ рух эса g7 даги қора отни «очмас»да сақляпти. Бу «шартли очмасдир». Чунки от ҳаракатланиши ва фарзинни ҳимоясиз қолдириши мумкин.

Фарзин, рух ва фил узоққа тўғри чизиклар бўйича ҳаракатланувчи сипоҳлардир.

Савол ва топшириқлар

1. h1 хонасидаги филнинг шундай йўналишини топингки; у марказдаги ҳамда тахтанинг тўрт бурчагидаги ўзи юра оладиган хоналарнинг ҳар бирига юриш қилиб чиқсин ва h1 хонасига қайтиб келсин. Неча юриш қилинишини аниқланг. Дафтарда филнинг йўналишини чизиклар ёрдамида кўрсатинг. Юришларни ёзиб чиқинг.

2. Шундай ҳолатларни тахтага теринг. Унда:

- а) оқ фил «очмас» усулини қўлласин;
- б) қора фил ўз юришида «очмас» усулини қўлласин;
- в) тахтадаги вазиятларни дафтарга ёзиб чиқинг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Мен шахматни санъат деб биламан, лекин бу кураш натижасида дунёга келувчи ўзгача санъатдир. Ундаги энг муҳим нарса – изодий қувонч, курашдан завқланиш. Умуман, шахмат инсонга ажойиб ҳаёт сабогини беради.

Василий СМИСЛОВ


9-дарс

ОТ ВА ИККИ ЁҚЛАМА ЗАРБА

*От ўйланди хўп узоқ,
Охири кўйди тузоқ,
Ҳам шоҳни, ҳам рухни дер,
Ё бўлмаса филни ер.*

Отнинг ҳаракати фарзин, рух ва филга нисбатан бош-қачароқдир. У ҳаракатни бир йўналишда бошлаб, иккинчи йўналишда тугатади. Ёзувда «О» ҳарфи билан белгиланади (О).

Отнинг ҳар бир юришида катакнинг ранги, йўлак, қатор ва қия йўлақлар алмашади.



19-шакл

19-шаклда отларнинг юриш йўллари кўрсатилган.

Марказдаги от 8 та хонага юра олади.


Бурчақда ёки тахта чеккасида жойлашган отнинг ҳаракати чекланган бўлади.

e4 хонасидаги отнинг юришлари:

Oe4-c3, Oe4-c5, Oe4-d6, Oe4-f6, Oe4-g5, Oe4-g3, Oe4-f2,
Oe4-d2.

h8 хонасидаги отнинг юришлари: Oh8-f7, Oh8-g6.


Отнинг иккинчи хусусияти – ўзининг ва рақибнинг доналари устидан бемалол сакраб ўта олишидир. Шахматда бошқа ҳеч бир дона бундай имкониятга эга эмас.



20-шакл


20-шаклдаги вазиятда g1 даги от ўз пиёдаларидан ўтиб f3 ёки h3 хонасига юра олади. b5 даги от эса c3, d6-хоналарига юриши, e7, a7-хоналаридаги пиёдаларни уриб олиши мумкин.

Отнинг учинчи бир хусусиятини «шумлик» деб атаса бўлади. Бу унинг икки ёқлама зарба бера олиши, яъни бирийўла икки донга ҳужум қилишидир.



21-шакл

21-шаклда с6 даги от рақиб шоҳига ва фарзинига бирйўла хужум қилади. Бу «иккиёклама зарба» усули бўлиб, шоҳ юргач, от фарзинни уриб олади (22-шакл).



22-шакл

1. Oc6-e5 +! Шf7-e6.

2. Oe5:g4.

Албатта, бошқа доналар: фарзин, рух, фил ва ҳатто пиёда ҳам иккиёклама зарба бериши мумкин. Лекин, отнинг «тузоғи»ни олдиндан илғаб олиш мушкулроқ.

От фил сингари енгил сипоҳ деб аталади.

От рақиб сипоҳларини «очмас»да қолдириш хусусиятига эга эмас. Бироқ от кишт берганда рақиб шоҳини юриш орқали ёки шу отни бирор дона билан уриб қутула олади.

От ва фил куч жиҳатидан деярли тенгдир. Икки от рухдан кучлироқ саналади.

❓ Савол ва топшириқлар

1. h8 хонасидаги отни юриб чиқинг.

а) Барча марказий хоналар (d4, e4, e5, d5)да;

- б) барча бурчак хоналарда бўлсин.
 - в) Отнинг юришларини дафтарга ёзинг.
 - г) Юришлар сонини аниқланг.
2. Шундай ҳолатларни тахтага териб кўринг. Унда от:
- а) рақиб шоҳи ва фарзинига;
 - б) фарзин ва рухга;
 - в) фил ва пиёдага;
 - г) икки пиёдага иккиёклама зарба берсин.
 - д) вазиятларни дафтарга ёзиб боринг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахматнинг ўзига жалб қилувчи кучини қандай
 изохлаш мумкин? Нега миллионлаб кишилар шахмат
 ўйнайдилар, минглаб ёшлар унинг назарияси билан
 шуғулланадилар, мусобақаларда қатнашадилар?
 Менимча, бунинг бирдан-бир сабаби шахматнинг
 улкан эстетик таъсиридадир.*

Михаил ТАЛЪ

10-дарс

ПИЁДА

*Пиёданинг орзуси азал
 Айланмоқ эди фарзиндек зотга.
 Сўнги қатор – охир манзилга.
 Қадам кўйди, минг машаққат-ла.
 Лек, фарзингамас, айланди отга,
 Начора, шу экан тақдир-қисмати.*


Шахмат қўшинидаги жанговар аскарлар пиёдалардир. Ҳайвонларнинг қўшинида 8 тадан жами 16 та пиёда иштирок этади (7-шакл). Уларнинг бошланғич ҳолати худди сафда турган аскарларга ўхшайди.

Пиёдаларни ёзувда ифодалашда фақат турган хоналарини кўрсатиш кифоя. Масалан: e4, c6, g7 каби.

Пиёдаларнинг юриши ўзига хос: у фақат олдинга юради (йўлак бўйлаб).

Пиёдалар фақат бир хона силжий олади. Бошланғич вазиятдан эса бирийўла икки хона олдинга юриши ҳам мумкин. Бундай имконият пиёдага фақат бир марта, ўзининг бошланғич вазиятида берилади.

Пиёдалар рақиб доналарини ютиб олиши, шохга «кишт» бериши мумкин. У қаршисида (яъни юриш йўлидаги) донани эмас, балки қўшни йўлакдаги донани қия йўналишда уриб олиш ҳуқуқига эга. Пиёдаларни ўйлаб, эҳтиёткорлик билан юриш лозим, чунки улар орқага юрмайди ва орқадаги сипоҳни уриб ололмайди.



23-шакл

23-шаклда оқ ва қора пиёдаларнинг юриш чегаралари, ютиш имкониятлари кўрсатилган.

a2 пиёдаси бирийўла икки хона, b6, c3, d5 пиёдалари эса бир хона юриши мумкин.

1. a2-a4. 1. b6-b7.

1. c3-c4. 1. d5-d6.

Қора пиёдалардан g7 хонадагиси бирйўла икки хона, e6, a6 пиёдалари эса бир хона олға силжиши мумкин.

1... g7- g5; 1... e6-e5; 1... a6-a5

h4 ва h5 пиёдалари юра олмайди, чунки улар «тўкнаш» келган ва бир-бирининг ҳаракатини чеклаб турибди.

Пиёдаларнинг уриб олиши қуйидагича ёзилади:

1. d5: e6; 1. b6: c7

ёки қоралар учун 1... e6: d5; 1... c7: b6.

Пиёдаларнинг учинчи муҳим хусусияти йўлда уриб олиш қоидасидир.

Агар бошланғич вазиятда турган пиёда бирданига икки хона сурилса ва рақиб пиёдаси билан бир қаторда ёнма-ён туриб қолса, уни ўша рақиб пиёдаси «йўлда» уриб олиши мумкин. Чунки у рақиб пиёдасининг зарбаси остидаги хонани босиб ўтган бўлади. Айтайлик, қоралар c7-c5 пиёда сурса, оқлар d5 даги пиёда билан уни уриб олиши мумкин. Бунда d5 пиёдаси c6 хонасига ўтади, чунки айнан шу хона пиёданинг таъсирида эди.

1... c7-c5 2. d5:c6.

Йўлда уриш имконияти қораларда ҳам мавжуд: оқлар e2-e4 пиёда сурса, e4 даги қора пиёда «йўлда уради».

1. e2-e4 f4:e3

«Йўлда уриш» қоидасида айти шу юришнинг ўзида пиёда уриб олинмаса, кейинги юриш галларида уриб олишга рухсат берилмайди. Масалан, қоралар «e» пиёдасини йўлда урмасдан, айтайлик, a6-a5 юрса, кейинчалик «e» пиёдасини йўлда ура олмайди.

Доналарни уриб олиш қоидасига кўра, ҳамма ҳоллардагидек «йўлда уриб» олиш мажбурий эмас.


Пиёдаларнинг тўртинчи муҳим хусусияти кизиқарлидир.

Пиёда охирига қаторга (оқларники саккизинчи, қораларники биринчи) чиққанда юриш чегараси тугайди ва пиёда фарзинга, рухга, филга ёки отга «айланади». Пиёда ўрнига янги шохни қўйиш мумкин эмас. Бу қоидага зид.


Пиёдалар одатда, сўнгги қаторга етганда энг кучли сипоҳ – фарзинга айланади, яъни шу хонага фарзин қўйилади. Лекин шундай вазиятлар бўладики, бошқа сипоҳ, масалан, рух, фил ёки отни қўйиш фойдалироқ бўлади.

24-шаклдаги вазиятда е7 пиёдаси фарзинга чиқса, яъни:

1. е7-е8Ф3 бўлса, ўйин тенглашади. Лекин пиёдани отга айлантириш фойдалидир! Бу ҳолатда от «тузоқ» қўяди ва иккиёқлама зарба бериб, рақиб фарзинини ютиб олади (25-шакл).



24-шакл



25-шакл

1. е7-е8О Шс7-d8. 2. Оe8:f6

Энди оқларда бир сипоҳ ортиб қолди.

Охирги қаторга етган пиёда ни қайси сипоҳ деб эълон қилиш, тахтада қандай сипоҳлар борлигидан қатъи назар ўйновчининг хоҳишига боғлиқ. Шунинг учун тахтада назарий жиҳатдан 9 тагача фарзин бўлиши мумкин. Шунингдек, рух, фил ва отларнинг сони ҳам чекланмаган. Оқ пиёда ўрнига, албатта, оқ сипоҳ, қора пиёда ўрнига, албатта, қора сипоҳ қўйилади.

❓ Савол ва топшириқлар

1. Тахтага ушбу вазиятни теринг:

Оқ пиёда: b5, қора пиёдалар: a6, b6, c6.

Шу вазиятда: а) Оқ пиёда қайси пиёдаларни юта олади?

б) Қора пиёдалардан қайси бирлари оқ пиёда ни юта олади?

Дафтарга юришларни ёзиб боринг.

2. f3 хонасидаги оқ пиёда неча юришда «фарзинга чиқади»?

h7 даги қора пиёда-чи? Юришларни ёзиб чиқинг.

3. «Йўлда уриш» қондасига доир мустақил равишда

вазиятлар ўйлаб топинг. Юришларни ёзиб чиқинг.

4. Тахтага теринг: Оқлар: Ше4, пиёдалар: f7, g7, b2.

Қоралар: Ше6, Ф3d7, Ог6. Юриш оқлардан. Энг яхши ўйналишни топинг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахмат – шаклан ўйин, моҳиятига кўра санъат, ўрганиш маишаққатларига кўра – фандир... Шахмат яхши китоб ёки мусиқа янглиз роҳат, завқ бахшида эта олади. Маҳорат сирларини пухта эгаллаш, яхши ўйнашни ўрганиш лозим. Ана шунда шахмат бера оладиган қувончга ошно бўласиз.


Тигран ПЕТРОСЯН

11-дарс


ШОҲНИ ЯШИРИШ – РОКИРОВКА

*Шоҳ қалъага,
Рухлар ҳамлага!
Жанг бошланди,
Қизгин, аёвсиз!
Ортга йўл йўқ энди,
Фақат олдинга!*

Доналарнинг ҳаракатланиш қоидалари билан танишиб чиқдик. Лекин шахмат ўйинида яна бир ўзига хос юриш мавжуд. Бу катга жанг арафасида шоҳни яшириш, яъни «рокировка» қилиш қоидадир. Рокировкада бирйўла икки сипоҳ – шоҳ ва рух билан юриш имконияти берилади. Рокировкани томонлар ўйинда фақат бир мартадан қўллашлари мумкин.



26-шакл



27-шакл

Маълумки, шоҳ ўйин бошида марказий йўлакда жойлашган бўлади. Уни қанотлардан бирига, яъни

хавфсиз жойга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Рокировка шу мақсадда қўлланилади. У қуйидагича амалга оширилади:

Шоҳ бошланғич ҳолатдан бир хона ташлаган ҳолда кейинги хона, рухни эса шохнинг бошқа томонидаги хонага олиб ўтиб ёнма-ён қўйилади. Аввалига шох, сўнгра рух жойидан қўзғатилади.

Рокировка иккала томонга ҳам қўллаш мумкин.


26, 27-шакллардаги вазиятда рокировка қилиш қоидаси кўрсатилган. Оқлар танлаган юриш қисқа ёки кичик рокировка, қоралар танлаган юриш катта ёки узун рокировка дейилади. Томонлар аксинча йўл танлашлари ҳам мумкин.

Рокировка қоидаси ёзувда «0-0» (қисқа рокировка), «0-0-0» (катта рокировка) тарзида белгиланади.

Рокировка вақтида шох ва рух орасида сипоҳлар бўлмаслиги шарт.

Рокировка қилиш қуйидаги ҳолларда мумкин эмас:

1. Рокировкада қатнашадиган шох ёки рух юрган бўлса (аввал юриб, кейин жойига яна қайтиб келган бўлса ҳам).
2. Шохга кишт берилган пайтда.
3. Рокировка қилинган, шохига кишт бўлиб қолса.
4. Шох (фақатгина шох) рокировка пайтидаги рақиб доналарининг зарбаси остидаги хонадан ўтса.



28-шакл

28-шаклда иккала рақиб ҳам ҳеч бир томонга рокировка қила олмайди.

Ўйин вақтида томонлар юқорида келтирилган қоидаларга амал қилган ҳолда истаган пайтда «рокировка» қилишлари мумкин. Хужум бошлагандан олдин шохни «қалъага» яшириш фойдалидир.

Савол ва топшириқлар

1. Тахтага оқлар фақат «катта» (ёки «узун») рокировка, қоралар фақат «кичик» (ёки «қисқа») рокировка қила оладиган вазиятни теринг ва юришларни ёзиб қўйинг.

2. Қуйидаги вазиятни таҳлил қилинг.

Оқлар: Шe1, Ph1, n: g2, h2

Қоралар: Шe8, Ph8, n: g7, h7.

Агар: а) Оқлар юриш навбатида рокировка қилса, қоралар ҳам рокировка қила оладими?

б) Юриш навбати қораларда бўлса ва улар биринчи бўлиб рокировка қилса, оқлар рокировка қила оладими? Нега шундай?



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахматчи курашчан бўлиши керак. Ўйин жараёнининг ўзи инсонни маълум ҳаракатлар сари бошлаб боради. Гоҳида бу жараён сиздан гайрат, шижоат сўрайди, гоҳида эса чидам ва бардошли бўлишни тақозо этади. Қисқаси, шахмат инсон характерини тоблайди, маромига етказади.

Мен учун шахмат, аввало, ҳаққоний ўйин. Мабодо сиз соф шахматчасига эмас, айтайлик, инсоний хислатларга хос бўлган энгил-елни ўйлаш, рақибни

менсимаслик каби хатоларга йўл қўйсангиз ҳам тахта узра, албатта, жазога маҳкумсиз.

Борис СПАССКИЙ


12-дарс

ШОҲГА ҲУЖУМ

*Қалъа атрофида қолмади паноҳ,
Рухлар асир тушди, филлар – омонат.
Лашкар кўз ўнгида мағлуб бўлди шох,
Отлар «кишт» беришди, фарзин қўйди мот.*

КИШТ БЕРИШ ВА МОТ

Шахмат ўйинидаги бош мақсад рақиб шохини мот қилишдан иборатдир. Ўйин давомида шохдан бошқа барча сипоҳ ва пиёдалар ютиб олиниши мумкин. Шохни фақат «асирга» тушириш мумкин. Шохнинг ҳужум қилинганда қоча олмаслиги, унинг мот бўлганини англатади.




29-шакл

29-шаклда энг кичик дона — пиёда билан «кишт» бериш ҳолати тасвирланган.

Ёзувда «кишт» берилган юришдан кейин «+» ишораси қўйилади. Масалан:

1. b6-b7+.

Агар «кишт» берилганда шоҳ мот бўлса, «+» ўрнига «x» ишораси қўйилади.



30-шакл

Энди 30-шаклдаги вазиятда «кишт» бериш усулларини кўриб чиқамиз.

Кучлар нисбати тенг. Лекин юриш навбати қайси томонда бўлса, шу томон турлича «кишт» бериши мумкин.

Юриш оқлардан бўлсин.

У ҳолда оқлар ҳар хил усулда «кишт» бериши мумкин. Масалан: d1 даги рух d8 хонасига юриб, кишт бериши мумкин. У ҳолда қоралар c7 даги фил билан рухни уриб олади.

1. Pd1-d8+? Фс7:d8. Бу юриш оқлар учун фойдасиздир.

Фил билан кишт берилса, ҳам шоҳга, ҳам фарзинга хужум қилинади.

1. Фе4-d5+. Энди қораларда уч хил ҳимоя усули бор. Фарзин билан филни уриш, шоҳни «кишт»дан олиб қочиш ва ниҳоят, «кишт» йўлини фил ёки рух билан тўсиш. Бу юришлар қоидага зид эмас.

1. ... Фз с4:d5; 1. ... Шг8-h8; 1. ... Рg7-f7

Оқлар фарзини билан иккита хонадан «кишт» бериш имкониятига эга. Фарзин худди фил сингари d5 хонасидан «кишт» берса, қоралар юқорида кўриб чиққан жавоблардан бирини бериши мумкин.

Лекин, фарзиннинг иккинчи «кишт» бериш йўли қора шоҳ учун мағлубиятлидир.

Агар фарзин е8 хонасидан «кишт» берса, шоҳ мот бўлади. Фарзин 8-қатордаги f8, h8 ва 7-қатордаги f7 хоналарини зарба остига олди. g7 ва h7 даги қора доналар ўз шохининг қочиш йўлини камайтирган, шу хоналар банд. Демак, оқлар ўйинни ютган бўлади. Бу юришни ёзувда ифодалаймиз: 1. Фзh5-e8 х.

Юриш қоралардан ва натижа бошқача бўлганда, улар биринчи бўлиб ҳал қилувчи зарба берар эдилар.

Қора фарзин тўрт хил «кишт» бериши мумкин. f1 хонасидан ёки с2 хонасидаги отни ютиб «кишт» бериш яхши эмас, чунки оқлар юриш навбатида бу сипоҳни уриб олиши тайин. Бу хато юришдир.

Қора фарзин е2 хонасидан ёки е4даги филни уриб кишт берса, кейинчалик ютиб чиқиши мумкин. Бу яхши юришдир.

1. ... Фзе4-e2+; 1. ... Фзс4:e4+

Агар қоралар g4 хонасидаги отни хоҳлаган хонага юрса, g7 хонасида турган рухнинг «кўзи очилади» ва оқ шоҳга кишт беради. Буни «очиқ кишт» дейилади.

Агар отни е3 хонасига юриб кишт берилса, g7 даги рух ҳам, от ҳам зарба остида қолади, яъни рух

пиеданинг, от эса оқ отнинг зарбаси таъсирида. Лекин уларни уриб бўлмайди. Чунки икки сипоҳ ҳам бир вақтда кишт бераётганлиги боис, фақат шохни юриш мумкин. Бу «иккиёклама кишт» дейилади.

1. ... Oг4-e3++


Қора от f6 хонасидаги пиедани уриб олиб кишт бериши ва бирйўла фарзинга хужум қилиши ҳам мумкин. Бу ўзига хос иккиёклама зарбадир. 1. ... Oг4: f6+

Энди фарзин ёки фил рухнинг «кўзини ёпиб» киштдан қутулиши мумкин. 2. ... Ф3h5-g6 ёки 2. Фе4-g6. Қоралар шу йўл билан фарзинни ютиб олса, моддий устунликка эришади, яъни куч жиҳатидан рақибдан ўзиб кетади.

Демак, қоралар кейинчалик ўйинни ютади. Бу ғалаба учун етарлидир.

31-шаклда қора шох мот тўрида. Унинг юриш имкониятлари чекланган. Шох ҳозир юра олмайди. Демак, шохга «кишт» бериш ва уни мот қилиш учун сабаблар бор.

Ўз юришида оқлар қора шохни беш хил донада:



31-шакл


фарзин, рух, фил, от ёхуд пиёда билан мот қилиши мумкин.

1. Ф3f6- e6 х; 1. Pb8-d8 х;

1. Фd1-g4 х;

1. Oc4-e5 х; 1. c5-c6 х

Шоҳнинг мот бўлиши — ўйин тугаганлигини билдиради.




32-шакл

32-шаклдаги вазият жуда қизикдир. Унда юриш кимдан бўлса, шу томон мот қўяди ва ўйинда ғалаба қозонади.

Юриш оқлардан бўлса, с3 даги рух с8 хонасидан «кишт» бериб мот қўяди. 1. Pc3-c8 х.

Моддий кучлар тенг бўлса-да, қора шоҳнинг ёмон ҳолати мотга олиб келди. Юриш қоралардан бўлса, улар бошқача усулдан чиройли мот қўяди. 1.....h2-h1O! х.

Бу кутилмаган юриш ногоҳ оқ шоҳнинг мот бўлишига олиб келди. h2 хонасидаги қора пиёда сўнгги манзилга — биринчи қаторга юрди, отга «айланиб» «кишт» берди ва мот қўйди. Бу топқирликни талаб қилувчи зўр юришдир.




33-шакл


Шоҳларнинг тахта бурчагидаги ҳаракати анча чекланиб қолади. Бундай ҳолатларда мот қўйиш имкониятлари кўпаяди. Шу боис бурчакдаги шоҳнинг ҳимоя кўрғони мустаҳкам бўлиши лозим.

33-36-шаклларда бурчакларда жойлашган шоҳлар тасвирланган.

Тахта қирқимларидаги тўртта бурчакда жойлашган шоҳларни бир юришда мот қилиш мумкин. Мот қилиш йўлини ўзингиз топинг.



34-шакл



35-шакл

❓ Савол ва топшириқлар

1. «Кишт» нима?

2. «Мот» нима?

3. Қуйидаги вазиятни тахтага теринг:

Оқлар: Шс4, Фзс3, Ра7, Фе3, Ое5, п: с6, е6.

Қоралар: Шd8, Фзh3, Ph8, Фg8, Ос8, п:с5, d6.

а) Оқлар қандай юришлар билан қора шоҳга кишт бера олади?

б) Қоралар қандай юришлар билан оқ шоҳга кишт бера олади? Барча юришларни дафтарга ёзинг.

4. «Кишт»дан қутулишнинг неча хил йўллари бор?


Шу йўللарга доир вазиятларни ўйлаб топинг.

5. Тахтага теринг:

Оқлар: Шf1, Фзh6, Ра7, Фg4, Og6, п:h3, f6.

Қоралар: Шg8, Фзд4, Pd2, Фе4, Of3, п:f4, g3.

Юриш навбатида оқлар ва қоралар неча хил мот кўйишлари мумкин. Юришларни ёзиб боринг.



36-шакл



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахматчи услуби шижоатли, ютуққа интилувчи бўлиши керак. Мен ҳеч қачон курашдан бўйин товламаганман, аксинча, ҳар сафар кураш вулқони, гирдоби сари ошиқаман – галаба йўлларини излаб топшидан ҳеч қачон қайтмаганман.

Роберт ФИШЕР

13-дарс

ДУРАНГ

*Жанг тугади. Аёвсиз ҳукм
Қолдирмади лашкардан омон.
Оғир сукунатга гувоҳ икки шоҳ,
Сулҳ тузишди – охирги битим.*

ЎЙИН ОХИРИДА КУЧЛАР ТЕНГЛИГИ

Шахмат мусобақаларида ғолибга 1 очко, мағлубга 0 очко берилишини яхши биласиз.

Шахматчи ғалабалардан мақтаниб кетмаслиги, мағлубиятдан тушкунликка тушмаслиги зарур.

Ҳамма, ҳатто жаҳон чемпионлари ҳам баъзида ютқазиб қўяди. Мағлубиятни мардона қабул қилиш жасурликдир. Ҳийиндаги хатоларни аниқлаш, қайта такрорламасликка интилиш керак.

Баъзан жангда рақибларнинг кучи тенг келиб қолади. У ҳолда сулҳ тузилади, яъни Һийин дуранг натижа билан тугайди. Рақибларнинг ҳар бирига 1/2, яъни ярим очкодан берилади.


Асосан, уч хил ҳолатларда Һийин дуранг бўлиши мумкин:

1. Вазият тенг бўлса...
2. Пот ҳолатида.
3. Кишти-қойим йўли билан.

Улардан энг оддийси тахтада ёлғиз шохларнинг қолишидир (10-шаклга қаранг).

Ҳар бир шохнинг ёнига биттадан энгил сипоҳ кўйилса (от ёки фил) ҳам Һийин дуранг бўлиши муқаррар.

Томонларда Һийин охирида биттадан рух ёки биттадан фарзин қолса ҳам Һийин дуранг бўлади (37-шакл).



37-шакл

Лекин, иккала томон ҳам жуда эҳтиёт бўлиши, тасодифан мот бўлиб қолмаслик ёки сипоҳни йўқотиб қўймаслик чорасини излаши лозим. Чунки томонлардан бирида ёлғиз рух ёхуд фарзин қолса ёлғиз шоҳга мот қўйиш осон бўлади.

Икки от ва шоҳ ёлғиз шоҳни мот қила олмайди. Буни тажрибангиз ортиши билан тушуниб оласиз. Шахмат «жанглари» якунида, яъни ўйин охирида бундай ҳолатларни эътиборда тутиш зарур.

Савол ва топшириқлар

1. Тахтага шоҳларни ва биттадан фарзинни қўйинг. Дўстингиз билан шу вазиятни 10-юришга қадар ўйнаб кўринг.

2. Сўнгра фарзинлар ўрнига биттадан рухни қўйиб ўйнаб кўринг. (Масалан, 37-шаклдаги вазиятни).

Енгил сипоҳ ва шоҳ рақиб шоҳини мот қила олмаслигини тахта бурчагида текшириб кўринг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахмат тасаввуримда узлуксиз кураш майдонига ўхшайди. Мен учун шахматнинг спортга хос қирралари муҳимроқ. Рақибни енгиб чиқиш энг мақбул йўлдир, мен ҳар бир ўйинда айнан шунга – галабага интиламан.


Анатолий КАРПОВ

14-дарс

ПОТ

*Рақиб кучи зиёда,
Мақсади – «бўғиқ» мотдир,
Қурбон бўлди пиёда,
Энди иложсиз, потдир!*

Пот бу – дурангнинг ўзига хос кўринишидир.
38-шаклдаги вазиятни кўриб чиқамиз.



38-шакл

Юриш оқлардан бўлса, ўйин дуранг. Чунки тахтада пот ҳолати. Қандай қилиб? Ахир, қораларда фарзин, рух, фил бор-ку?


Моддий устунлик қоралар томонида бўлгач, ғалаба ҳам уларда бўлмайдими? Йўқ.

Бир қарашда ноҳақликдек туюлади, лекин шахмат қоидаларига тўла мос келади.


Вазиятдаги муҳим хусусият шундаки, оқ шоҳ атрофидаги саккизта катакнинг барчаси хужум остида, лекин шоҳнинг ўзи дахлсиз, яъни унга «кишт» эълон

қилинмаган. Шохнинг «кишт» бўладиган хонага ўтиши мумкин эмас.

Шахматда баъзан шунақаси ҳам бўлади. У ўз кучингиз ва имкониятларингиз билан мақтанмасликка ўргатади. Ҳар қандай ишда диққат, аниқ ҳисоб зарур. Эҳтиётсизлик, пала-партишлик ҳаётда ҳам, шахматда ҳам муваффақият келтирмайди.



39-шакл



40-шакл


39, 40-шаклларда тахта икки қисмга ажратилган.

Чап қанотдаги вазиятда юриш қоралардан бўлса, пот ҳолати. От ҳам, фил ҳам юриши мумкин эмас, чунки қора шох «кишт» зарбаси остида қолади. Демак, ўйин пот бўлди, дейилади.

Ўнг томондаги ҳолатда тахтада оқлар фарзинни эҳтиётсизлик қилиб g3, g5 ёки g7 хоналаридан бирига юрса, ўйин пот бўлади.

Агар оқ шох f2 ёки f1 хоналарига ўтса ҳам пот бўлади.

Баъзан ўйин охирларида кучсиз томон атайин пот ҳолатини келтириб чиқаришга ҳаракат қилади.



41-шакл

41-шаклдаги вазиятда оқлар катта устунликка эга. Лекин юриш қоралардан. Улар а7даги пиёдасини а6 га суради ва «қалъа» дарвозаси ёпилади.

Энди юриш навбати оқлардан бўлса ҳам пот ҳолатига тўсқинлик қила олмайди. Улар фарзини билан б6 пиёдасини уриши ва ўйинни давом эттириши мантиқсизликдир. У ҳолда қоралар куч жиҳатдан устунликка эришади, ҳатто ғалаба қилади.

Шунинг учун оқлар пот ҳолатига қаршилик қилмагани маъқул. Демак, пиёдани суриш энг яхши ва кучли юриш экан. Ёзувда буни қайд этиш учун ундов белгиси ишлатилади.

1. ... а7-а6!

40-шаклдаги вазиятда агар оқларнинг фарзини бўлмаганда эди, улар шохни f2 ёки f1 хоналаридан бирига юриб-атайин пот қилган бўлар эди, чунки бошқа юришлар мағлубиятга олиб келади.

1. Шe2-f1! Ёки 1. Шe2-f2!

Бунда рақиб шох кучли томон пот қилинди.


Ўйин охирларида ютқазмасликнинг яна бир чораси қурбон бериш йўли билан пот ҳолатига эришишдир.

Қурбон – бу сипоҳ ёки пиёдани кўра-била туриб,

ихтиёрий тарзда рақиб зарбаси остига бериш ёки зарба остида қолдиришдир.

Қурбон мақсадсиз бўлмайди.

Пот ҳолатига олиб келадиган бир неча қурбон бериш йўллари билан танишамиз.




42-шакл

42-шаклда оқ шоҳнинг бирорта ҳам юриш имконияти йўқ. Пиёданнинг ҳам олди тўсилган. Лекин рух бемалол ҳаракатланиши мумкин. Агар ўша рух бўлмаганда, тахтада пот ҳолати содир бўларди. Демак, рухни қурбон қилиш керак экан.

1. Pf1-f8+! Шg8:f8 пот.

Қора шоҳ ноилож рухни уради ва ўйин дуранг бўлади.

Тўғри қурбон бериш – усталиқдир. Агар рух шошма-шошарлик билан ўзини f2 ёки c1 хонасида қурбон қилганда пот бўлмас эди.



43-шакл

43-шаклдаги вазиятда эса қора рух с6 хонасида ўзини қурбон қилади. Энди рух урилса ҳам, шоҳ b5 ёки a5 хонасига юрса ҳам дуранг бўлади.

1. ... Rc8-c6+!

2. Ш b6:c6 пот.

Ёки 1. ... Rc8-c6+!

2. Шb6-b5 Rc6:a6

3. Шb5:a6 дуранг


Бу усулни ёдда тутинг. У кўп қўлланилади.

44-шаклдаги вазиятда эса оқлар сўнгги пиёдасини инъом қилади ва мақсадига эришади.

1. g2-g3+! Шh4:g3 пот

Ёки 1. ... Фzf4:g3 пот

Агар 1. ... Шh4-q4 юрилса, 2. g3:f4-дуранг, чунки ёлғиз от билан мот қилиб бўлмайди.



44-шакл

❓ Савол ва топшириқлар

1. Пот ҳолатида нега ўйин тўхтатилади?

2. Тахтага теринг.

Оқлар: Шh4 п:g5, h2

Қоралар: Шf4, Фе5, п:f5, g6

Юриш оқлардан. Қандай юриш керак? Нега?

3. Курбон нима?

4. а) фарзинни; б) рухни; с) отни; д) филни;
е) пиёдани курбон қилиб пот бўладиган вазиятни мустақил тузишга ҳаракат қилинг. Дафтарга ёзиб боринг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Борди-ю, мен тўсатдан кимсасиз оролга тушиб қолгудай бўлсам, ишни ўзимга шахмат ясашдан бошлардим.

Гарри КАСПАРОВ

КИШТИ-ҚОЙИМ УСУЛИ

Кишт! Яна кишт!


Фарзин ҳужумдан толмас,

Рақиб-чи, ҳеч мот бўлмас.

Шоҳлар тузишар битим –

Майдонда – кишти-қойим!

Дуранг қилишнинг учинчи йўли кишти-қойим деб юритилади.



45-шакл

45-шаклдаги вазиятни таҳлил қиламиз. Оқ шоҳ мот исканжасида. Фарзинни бериб пот қилишнинг иложи йўқ, чунки b3 пиёдаси юриш имкониятига эга. Лекин оқлар кишти-қойим, яъни доимий кишт бериш йўли билан ўйинни ютқазмай, дуранг қилади.

1. Ф3d4-d7+ Шb7-b8

2. Ф3d7-d8+ Шb8-b7

3. Ф3d8-d7+ Шb7-b8


4. Ф3d7-d8+ Шb8-b7

5. Ф3d8-d7+

Фарзин мот қила олмайди, лекин шоҳ ҳам кишздан кутулиб кета олмайди. Агар юришлар ва тахтадаги вазият уч марта такрорланса, ўйин дуранг ҳисобланади.

Кишти-қойим тажрибада кўп учрайдиган усулдир.

46-шаклда кишти-қойим қилишга оид мисол келтирилган. Қора шоҳ мот исканжасида. Лекин ҳимоя бор, у кишти-қойим усулидир:



46-шакл

1. ...Oe1-g2+!
2. Шh4-h5 Og2-f4+!
3. Шh5-h4 Of4-g2+
4. Шh4-h3 Og2-f4+
5. Шh3-h4 Og4-g2+ дуранг.

42-шаклдаги вазиятда g6 ва g7даги пиёдаларни мос ҳолда g5 (ок), d6 (қора) катакларидида жойлаштирсак, оқлар пот қилиш ҳамда кишти-қойим усулини бирйўла қўллаш олади.

1. Pf8-f8+! Шg8-g7!

Рухни уриш потга олиб келишини яхши биласиз.

Энди 2. Pf8-g8+? хато. Қора шоҳ киштлардан кутулиб кетади. Буни ўзингиз кўриб чиқинг.


2. Pf8-f7+! Шg7-g8!

3. Pf7-f8+ Шg8-g7!

4. Pf8-f7+! дуранг.

Шоҳ кишти-қойим тўртбурчагидан чиқиб кета олмайди. Бундай вазиятларда рухни «кутурган рух» деб ҳам аташади.

47-шаклдаги вазият бироз бошқача. Оқ шоҳга бевосита мот хавф солаётганлиги йўқ. Лекин моддий устунлик қоралар томонда. Бинобарин, улар келажакда ғолиб чиқиши мумкин. Оқлар кишти-қойим усулидан фойдаланиб дурангга эришадилар.



47-шакл

1. Фd3:h7+ Шg8-h8

2. Фh7-f5+ ...

Очиб кишт берилди. Филни қия йўлакдаги хоҳлаган хонага юриб кишт бериш мумкин.

2. ... Шh8-g8

3. Фh7-f5+ Шg8-h8

4. Фh7-d3+ дуранг.

❓ Савол ва топшириқлар

1. Кишти-қойим нима?

2. Қуйидаги вазиятда кишти-қойим қилиб бўладими?
Оқлар: Шb1, Фзd3, п: с2, b3.

Қоралар: Ша8, Фзb8, Ра7, с3, b4.

Юриш оқлардан: Шеригингиз билан шу вазиятни ўйнаб кўринг. Дафтарингизга вазиятни, юришларни ёзиб олинг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Болалигимда рақибни фақат тахта узра энгиш зарурлигини яхши тушунар эдим. Ҳозир ҳам болаликдаги бу мантиқий фикрнинг нақадар тўғри эканлигига шубҳа қилмайман.

Александр ХАЛИФМАН

16-дарс

ЁЛГИЗ ШОҲНИ МОТ ҚИЛИШ


Ёлғиз шоҳ ўйга толди:

Қайдадир нажот?


Қайда қолди рух, фарзин

Ёхуд учқур от?


Ўйин охирида ёлғиз шоҳни мот қилишнинг ўзига хос усуллари бор. Бу усулларни ҳар бир шахматчи яхши билиши зарур. Чунки ёлғиз шоҳни мот қилиш осон иш эмас. Ҳатто яққа от ёки фил шоҳнинг ёрдамида ҳам рақиб шоҳини мот қила олмаслиги яхши маълум. Қуйидаги вазиятларда оқлар рақиб шоҳини бир неча юришларда мот қилиш имкониятига эга. Уларни топишга ҳаракат қилиб кўринг.




Бир юришда мот



Икки юришда мот



Икки юришда мот



Уч юришда мот

17-дарс

ФАРЗИН БИЛАН МОТ ҚИЛИШ

*Энг кучли сипоҳ,
Фарзин ҳам гоҳи,
Шоҳдан мадад сўрар
Қийналган чоғи.*

Фарзин жуда кучли сипох. Лекин ўйин охирида унинг бир ўзи ёлғиз шохни мот қила олмайди. Ҳал килувчи пайтда унга ўз шохни ёрдам беради.

48-шаклдаги вазиятни таҳлил қиламиз.

Қора шох марказда турибди. Унга кишт бериб кўрамиз.

1. Ф3b3-b5+ Шe5-e4

2. Ф3b5-b4+ Шe4-e5

Демак, кишт бериш усули ҳеч нарсани ўзгартирмас экан. Маълумки, шохнинг саккиз томонга юриш имконияти бор. Марказда фарзин (хатто шохнинг ёрдамида ҳам) бирйўла саккиз катакни ҳамда шох турган тўққизинчи катакни зарба остига ололмайди. Демак, шохнинг йўлини қирқиш, уни тахтанинг тўртта бурчагидан бирига қувиб бориш керак экан. Чекка қаторлар ёки йўлакларда ҳам шохни мот қилиш мумкин. Чунки, у ҳолларда ҳам шохнинг юриш имкониятлари камайишини яхши биламиз (10-шаклга қаранг).

Энди бошқа йўлни танлаймиз (48-шакл).

1. Фb3-d3! ...


Қора шохнинг кочиш йўллари камайди. Шох d йўлагига ўтолмайди.

1. Ф3b3-c4 ҳам яхши юришдир.

1. ... Шe5-e6

2. Ф3d3-d4! Шe6-f5

3. Ф3d4-e3! ...



48-шакл

Қора шоҳ сиртмоқдан чиқиб кетишга талпинаяпти. Аммо фарзин йўлларни тобора камайтириб бормоқда. Эътибор берини; фарзин ва шоҳ ўртасидаги масофа от юришига тенг.

3. ... Шf5-f6

4. Фзе3-е4 Шf6-f7

Ночорлик. Агар шоҳ g5 хонасига ўтса, фарзин от юриш масофасини f3 хонасига ўтиб сақлайди.

5. Фзе4-е5 Шf7-g6

6. Фзе5-f4 Шf6-g7

7. Фzf4-f5 Шg7-h6

8. Фzf5-g4 Шh6-h7

9. Фzg4-g5 Шh7-h8

Ниҳоят, қора шоҳ бурчакка мажбуран олиб келинди. Энди фарзин шошмашошарлик билан g6 хонасига ўтса, пот бўлади. Демак, мот қилиш учун шоҳнинг мадади шу ерда керак бўлади.

10. Шh1-g2 ! Шh8-h7

11. Шg2-f3 ! Шh7-h8

Қора шоҳнинг кутишдан бошқа чораси йўқ.

12. Шf3-f4 Шh8-h7

13. Шf4-f5 Шh7-h8

14. Шf5-f6 Шh8-h7

15. Фzg5-g7 х.

Оқ фарзин ва шоҳ ҳамкорликда қора шоҳни енгдилар. Шахматда дўстлик, ҳамжиҳатлик қадрланади. Ҳеч қачон шошилмаслик зарур.

Мот қилиш усуллари умумлаштириш мумкин. Кўп ҳолларда кучли шахматчилар ўйин пайти умумий режа тузадилар.

ЎЙИН РЕЖАСИ — ўзининг ҳаракатлари тартибини аниқлаб олишдир.

Яхши шахматчи маълум вазиятда режа асосида ўйнайди. Шунда яхши юришларни топиш ҳам осонлашади.

Энди фарзин билан мот қилиш режасини тузиб кўрайлик:

1. «От юриши» ёрдамида фарзин рақиб шоҳини тахта бурчагига сиқиб боради.

2. Фарзин рақиб шоҳига 2-3 катакни ҳаракат учун қолдирган ҳолда, четки қаторда ёки йўлакда ушлаб туради.

3. Кучли томоннинг шоҳи ёрдамга боради.

4. Рақиб шоҳи мот қилинади.

Савол ва топшириқлар

1. Нега ёлғиз шоҳни фарзиннинг ўзи мот қила олмайди?

2. Тахтага теринг.

Оқлар: Ша1, Фзб1, Қоралар: Шh2.

Оқлар биринчи бўлиб қандай юриши керак?

3. Тахтага теринг.

Оқлар: Шh8, Фзг2. Қоралар: Шс1

Қора шоҳни неча юришда мот қилиш мумкин?
Вазиятни, юришлар тартибини ёзиб олинг.

Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахматни яхши ўйнайдиган одамларга ҳавасим келади. Улар тахта узра ижод қилганларида чинакамига истеъдодли расом, мусиқачи, артист даражасига кўтариладилар; эстетик бойликлар яратадилар.

*Шахмат партиясини худди шеър эшитгандек,
эжойиб сурат ёки театр спектаклидек томоша
қилса бўлади.*

Чингиз АЙТМАТОВ


18-дарс

РУХ БИЛАН МОТ ҚИЛИШ

*Рухларнинг бири ўнгдадир,
Бириси – сўлда,
Бироқ фикру мақсадлари
Энг тўғри йўлда.*

ЧИЗИҚЛИ МОТЛАР

Аввалига икки рух билан мот қилиш йўлини кўриб ўтайлик. Икки рух шохни ўз шохининг ёрдамисиз ҳам мот қила олади (49-шакл).



49-шакл

1. Pa1-d1 ! ...

Яхши юриш. Рақиб шоҳи «h» четки йўлагига яқин. Шу томонга таъқиб бошланади. Ҳозир «d» йўлаги «қирқиб» қўйилади.

1. ... Шe5-e4

2. Ph2-e2+ Шe4-f3

3. Pe2-e8 Шf3-f2

4. Pd1-d7! ...

8-қаторда бошқа рух бор. Иккинчи рух унга халақит бермаслик учун 7-қаторда туриб, йўлак «қирқиб» давом этади. Шахматда сипоҳлар бир-бирларига ёрдам бериши зарур.

4. ... Шf2-f3

5. Pd7-f7+ Шf3-q4

6. Pe8-g8+ Шg4-h5

7. Pf7-h7x.


Рухлар галма-гал кишт бериб, қора шоҳни четки йўлакка сиқиб келди. Бу мот чизикли мот дейилади. Чунки рухлар тўғри чизиклар бўйлаб ҳаракат қилади.

Бошланғич вазиятда қора шоҳни 8-қаторга «қувиб» мот қилса ҳам бўлади. Буни ўзингиз синаб кўринг.

Ёлғиз шоҳни битта рух билан мот қилиш мураккаброқ. Унда шоҳнинг ёрдамига таянилади. Мот ҳар галгидек тахта четида қўйилади. Лекин шоҳни қандай қилиб «қувиб» бориш мумкин? Бунинг учун «қарши ҳолат» (оппозиция) усулидан фойдаланамиз.

ҚАРШИ ҲОЛАТ — икки шоҳнинг бир-бирига йўлак, қатор ёхуд қия йўлак бўйича қарама-қарши вазиятда туришидир. Агар шоҳлар орасида бир катак мавжуд бўлса, яқин қарши ҳолат ҳисобланади. Агар ораликда 3 ёки 5 катак бор бўлса, узоқ қарши ҳолат дейилади.

50-шаклда шоҳлар қарши ҳолатда турибди. Айнан мана шундай вазиятларда яқка рух «кишт» бергани маъқул.



50-шакл

1. P_{b1}-b5+ ...

Бундай вазият якка рух билан мот қилиш учун ўзига хос «калит»дир. Энди қора шоҳ тахта чети томон бир қатор чекинишга мажбур.

1. ... Ш_{e5}-f6

Қора шоҳ қарши ҳолатдан бирйўла қочмоқда. Энди рух b6 хонасидан кишт берса, яна бешинчи қаторга ўтилади.

2. Ш_{e3}-e4! ...

Бу юришда гап кўп. Оқлар қора шоҳни қарши ҳолатда туришга мажбур қилмоқчи. Сеҳрли «от юриш» усули яна иш бермоқда.

2. ... Ш_{f6}-g6

3. Ш_{e4}-f4! Ш_{g6}-h6

4. Ш_{f4}-g4 Ш_{h6}-g6

Яна қарши ҳолат! Кишт берса бўлади.

5. P_{b5}-b6+ Ш_{g6}-f7

6. Ш_{g4}-g5! Ш_{f7}-e7

7. Ш_{g5}-f5 Ш_{e7}-d7

8. Ш_{f5}-e5 Ш_{d7}-c7

Таъқиб давом этмоқда. Ҳозир рухга ҳамла қилинган.

Рух узокда тургани маъқул.

9. P_{b6}-h6! Ш_{c7}-d7!

10. Ph6-g6!...

«От юриш» ҳолати сақлаб қолинди. Кутувчи юриш шоҳ беришдан афзал.

10. ... Шd7-c7

11. Ше5- d5 Шc7-b7

12. Шd5-c5Шb7-a7

13. Шc5-b5Ша7-b7 (қарши ҳолат!)

14. Pг6-g7+ Шb7-a8

15. Шb5-b6 Ша8-b8

Шоҳ охирги каторда. Мот қилса бўлади.

16. Pг7-g8 х.

Бу қондани ёдда тутинг. Агар кучли томон 50 юриш давомида ёлғиз шоҳни мот қила олмаса, ўйин дуранг натижа билан яқунланган ҳисобланади. Шу боис бекорчи юришлар қилишдан тийилиш зарур. Мақсадли, режали ўйин ғалаба келтиради.

❓ Савол ва топшириқлаар

1. Рух билан мот қилиш режасини тузинг.

2. «Қарши ҳолат» нима?

3. Бир томондан шоҳ ва рух, иккинчи томонда ёлғиз шоҳ қолган турли вазиятларни тахтага териб, шеригингиз билан ўйнаб кўринг. Бир гал кучли, иккинчи гал кучсиз томонни бошқаринг.

4. Қуйидаги вазиятларда икки юришда кучсиз томон мот бўлади.

Шуни топинг.

а) Оқлар: Шd6, Pс3, Қоралар: Ше8.

б) Оқлар: Ше4. Қоралар: Шd6, Pф8, Pa1.

Юришни кучли томон бошлайди. Вазият ва юришни ёзиб боринг.

 Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат менга илҳом беради, яхши дам оламан.
Ана шунинг учун ҳам мен шахматни қадрлайман.*

Д. ШОСТАКОВИЧ

19-дарс


ИККИ ФИЛ БИЛАН МОТ ҚИЛИШ

*Икки фил бамисли икки баҳодир,
Шоҳ билан бирлашса, кўп ишга қодир.*

Шоҳ билан фил ёки шоҳ билан от ёлғиз шоҳни мот қила олмайди. Бундай вазиятлар рўй берса, ўйин дуранг бўлган ҳисобланади.

Икки фил эса шоҳ ёрдамида ёлғиз шоҳни мот қилишга қодир.

51-шаклдаги вазиятни кўриб чиқайлик.



51-шакл

1. Фf1-h3!

Филлар ёнма-ён жойлашса худди рухлар каби шоҳни

бурчакка қувиб бориши мумкин. Фақат бу усул қия йўлақлар бўйича рўй беради.

1. ...Шf6-g5

2. Фh2-g3 !...

Энди қора шоҳ филларнинг олдига яқинлаша олмайди.

2. ...Шg5-f6

3. Шd3-e4 Шf6-g5

4. Ше4-e5 Шg5-g6

5. Фg3-h4! ...

Агар рухлар тўғри чизик бўйлаб исканжага олган бўлса, филлар шоҳни учбурчак усулида таъқиб қилмоқда.

5. ... Шg5-h5

6. Фh4-e7 Шh5-g6

7. Фh3-e6 Шg6-h5

8. Ше5-f5 Шh5-h6

9. Фе6-f7 Шh6-g7

Учбурчак торайиб бормоқда. Филлар икки оғайни ботирлар сингари бир-бирига мадад бермоқда.

10. Фf7-e8 Шg7-h6

11. Фе7-f8+ Шh6-h7

12. Шf5-f6 ...

«От юриш» усули бу ўйин охирида ҳам иш беради.

Фақат пот вазиятларидан эҳтиёт бўлиш керак.

12. ... Шh7-g8

13. Шf6-e7 Шg8-h7

14. Ше7-f7! Шh7-h8

15. Фе8-d7 Шh8-h7

16. Фd7-f5+ Шh7-h8

17. Фf8-g7x

Эътибор беринг: Оқ сипоҳларнинг ҳаракати қатъий

режага асосланди. Ҳар бир юриш эса аниқ бир мақсадни кўзлади.

Савол ва топшириқлар

1. Тахтага мавзуга доир турли вазиятларни теринг. Унда икки фил шоҳни неча юришда мот қилишини аниқланг.

2. Вазиятни тахтага теринг:

Оқлар: Шс5, Фd8, Фе8.

Қоралар: Ша6.

Етти юришда мот. Юриш оқлардан.

Юришларни ёзиб боринг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Мен учун шахмат – мангу сир, мўъжизадир. ... у – қадимий, лекин сира эскирмайдиган ўйин. Шахмат ҳеч қандай мукамаллик чегарасини билмайди.

Хуан Хосе АРРЕОЛА


20-дарс

ИККИ ОТ ШОҲГА ҚАРШИ

*Жанггоҳда санчийди, депсинади от,
Хуноби ошади қўёлмайин мот!*

Демак, ўйин охирида икки от ёлғиз шоҳга қарши қолганда, тўғри ҳимоя кўмагида кучсиз томон дуранг қилади.

52-шаклдаги вазиятда қора шоҳага кишт берилди. Агар шоҳ бурчакка h8 хонасига ўтса, иккинчи от f7 хонасида мот қилади.



52-шакл

1. ...Шg8-h8?

2. Oг5-f7 х.

Лекин қоралар шоҳини f8 хонасига юриши ва озодлиқка чиқиши мумкин. Энди қора шоҳ мот бўлмайди.


1. ...Шg8-f8!

Баъзан кучсиз томонга ўзининг пиёдаси халал беради.

53-шаклдаги вазиятни кўриб чиқамиз.

1. Ob5-d6! Шb8-a8

2. Oe5-e6 ...



53-шакл

Шоҳ бурчакка қамалди. Агар е6 хонасидаги пиёда бўлмаганда, ўйин пот, яъни дуранг бўларди. Лекин, қоралар ёлғиз пиёдасини суришга мажбур. Бу мотга олиб келади.

2. ...e6-e5

3. Oo6-h5! e5-e4


4. Oo5-e7x

Қора пиёданинг юришлари хато эмас, балки ночорликдир. Ўйиннинг қоидаси – шу. Юриш навбатида фойдаси бўлмаса ҳам юриш зарур.

Бундай ночор вазиятларда мажбурий юриш қилиш ЦУГЦВАНГ ҳолати дейилади.

Икки енгил сипоҳ фил ва от эса ёлғиз шоҳни мот қила олади. Бунинг учун фил қайси рангдаги хоналарда юрса, кучсиз томоннинг шоҳи шу рангдаги бурчакка қувиб борилади.

Тахтада оқ катакли фил бўлса, h1 ва a8 хоналарида, қора катакли фил қолса, a1 ва h8 хоналарида мот қилинади. Бу мураккаб усул билан тажриба ва малака ошгач, танишиб чиқиш тавсия қилинади. Ҳозирча кучсиз томоннинг шоҳи бурчакда жойлашган ҳолатда мот қилиш йўлини кўриб ўтайлик (54-шакл).



54-шакл


1. Фh2-d6! ...

Қора шохнинг f8 хонасидан қочиб кетмаслиги учун.

1. ...Шh8-g8

2. Og4-h6+ Шg8-h8

3. Фd6-e5x



55-шакл

Қуйидаги вазиятда ҳам сўнгги босқич – мот қилиш вазияти тасвирланган. (55-шакл). Аввалига мустақил ҳолда уч юришда мот қилиб кўринг. Ечими эса қуйидагича:

1. Oc6-e7! Ша8-a7

2. Oe7-c8+ Ша7-a8

3. Фd3-e4 x.

Ёлғиз шохни керакли бурчакка жалб қилиш осон иш эмас. Ҳатто, таниқли шахматчилардан бири 50 юришида ҳам бу вазифани уддалай олмаган ва ўйин дуранг бўлган эди. Ўйиндан сўнг у: «Мен-ку, уни бурчакка қувдим, бироқ шох керакли жойга бормаяпти-да!» деган экан.



Савол ва топшириқлар

1. Қуйидаги вазиятни тахтага теринг:

Оқлар: Шf7, Ob1, Og5. Қоралар Шh8, п:а4.

Оқлар бошлаб, ютади. Шу йўлни топинг.

2. Оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

Оқлар. Ше7, Фb2, Oh6; Қоралар: Шh8, п: g7, h7



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахмат ўйини шунчаки бекорчиликдаги эрмак эмас. Бу ўйин ақлнинг бир қанча энг муҳим фазилатларини тарбиялайди ва фазилатлар шундай мустаҳкамланадики, улар инсон ҳаётида ҳам яхши одат тусига кириб қолади.

Бенжамин ФРАНКЛИН

21-дарс

ШОҲ ВА ПИЁДА ШОҲГА ҚАРШИ КВАДРАТ ҚОЙДАСИ


*Тўғри юрувчи пиёда муродга етди,
Фарзинга айланиб шоҳни мот этди!*

Шундай шахмат «жанглари» бўладикки, иккала шохнинг кўриқчилари – саркардаларию сипоҳлар, отлару филлар барчаси қурбон бўлади. Шохларнинг бири ёлғиз, бирида эса яккаю ягона аскар – пиёда қолади. Хўш, бу ҳолларда «жанг» натижаси қандай тугайди? Битта пиёда ғалаба учун етарли бўладими?

Келинг, буни шахмат тахтасида синаб кўрайлик.

56-шаклдаги вазиятда оқ пиёда охирги қаторга етиб олиши, шундан сўнг фарзин ёки рухга айланиб қора

шоҳни мот қилиши мумкин. Демак, пиёда олдинга, қора шоҳ эса уни қувиб етишга интилади. Бундай вазиятларда квадрат қондасига амал қилинади. КВАДРАТ – бу барча томонлари тенг бўлган тўғри тўртбурчак. Масалан, шахмат тахтасининг бўйи ва энида саккизтадан катак бор. Демак, бу квадратдир. Олди очик пиёданнинг квадрати унинг охириги қаторга етиш чегараси билан ўлчанади. Бу масофа қанча бўлса, ён томондан ҳам шунча катак саналади. Бу унинг квадрати дир.




56-шакл

56-шаклда пиёданнинг квадрати а5-а8-д8-д5 тўртбурчагидан иборат. Буни аниқлашнинг энг осон йўли – пиёда турган хонадан охириги қаторга қадар бўлган қия йўлакни аниқлашдир.

Бу а5-д8 қия йўлагидан иборат. Агар юриш навбатида қора шоҳ пиёданнинг квадратига кирса, демак, у пиёдага етиб олади ва ўйин дуранг бўлади.

1. ... Шe4-d5!
 2. а5-а6 Шd5-с6
 3. а6-а7 Шс6-б7
 4. а7-а8 Фз Ш b7:a8
- дуранг.

Лекин юриш оқларда бўлса, шубҳасиз пиёда фарзинга чиқишга улгурар эди.



57-шакл

57-шаклдаги вазиятда эса оқ шоҳ h7 пиёдасининг квадратида. Лекин, юриш қоралардан бўлса, шоҳ уни қувиб ета олмайди. Гап шундаки, бошланғич ҳолатдан пиёда бирийўла икки хона сурилиши ва квадрат чегарасини кескин қисқартириши мумкин.

1. ...h7-h5!

Энди квадрат h5-h1-d5-d1 тўртбурчагидан иборат. Шоҳ ўз юришида бу ораликқа кира олмайди.

2. Шb7-c6 h5-h4

3. Шc6-d5 h4-h3

4. Шd5-e4 h3-h2

Пиёда манзилига «эсон-омон» етиб олади.

Шундай ҳолатлар бўладики, шоҳ квадратда бўлса-да, рақиб пиёдасига ета олмайди. Сабаби, йўлда шоҳга ўз пиёдаси тўғаноқ бўлади.


58-шаклда гарчи қора шоҳ «чегарада» бўлса-да, оқ пиёдага етолмайди.

1. h4-h5 Шe4-e5

2. h5-h6 ...

Энди пиёдани йўлдан «олиб ташлаш» (f6-f5) ёки уни айланиб ўтиш учун (Шe5-e6) вақт талаб этилади.

ВАҚТ – шахматда юришлар билан ўлчанади.



58-шакл

Кўшимча юриш қилиш – суръат йўқотишдир.

2. ...Шe5-e6 (ёки f6-f5)

3. h6-h7 Шf6-f7

4. h7-h8 Фз...

❓ Савол ва топшириқлар

1. Квадрат нима? У қандай аниқланади?

2. Қуйидаги вазиятда юриш қоралардан. Оқлар: Шh1, пиёда-a2. Қоралар: Шh8.

Ўйин қандай тугайди?

3. Шахматда Вақт қандай ўлчанади?



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахмат – бу ақлнинг қуйма тошидир.


И. ГЁТЕ

22-дарс

МОТМИ, ПОТ?

*Пайт пойлар оқ шоҳ,
Кутар қора шоҳ,
Тоқати тоқ бўлди
Пиёдининг ҳам.
Хужумга ташланди,
Пот бўлди, ногоҳ!*

КВАДРАТ қоидасида ёлғиз пиёдининг ўзи рақиб шоҳи билан курашди. Агар иккала шоҳ ҳам пиёдага яқин бўлса, квадрат усули ўз аҳамиятини йўқотади. Ҳамма гап шоҳлар эгаллаган қарши ҳолат вазиятига боғлиқ бўлади.



59-шакл

59-шаклда оқ пиёдининг тақдирини юриш навбатига ҳам боғлиқ. Юриш оқлардан бўлсин.

1. d6-d7+ Шe8-d8

2. Шe6-d6 пот

Йўқса, оқ шоҳ пиёдани ҳимоялашдан воз кечиши зарур. Унда ҳам дуранг бўлади.


Юриш қоралардан бўлганда эса оқлар ютади ва пиёда фарзинга чиқади.

1. ... Шe8-d8
2. d6-d7 Шd8-c7
3. Шe6-e7 ...

Кўриб ўтилган мисолдан икки шоҳ қарши ҳолатда турган эди. Бундай вазиятларда юриш навбатини рақибга бериш жуда муҳим саналади. Шунда рақиб шоҳи ўзи эгаллаб турган қулай хонани ташлаб, ёмон хонага ўтишга мажбур бўлади. Юриш қоралардан бўлганда, улар қарши ҳолатдан чиқиб кетишга мажбур қилинади. Юриш оқлардан бўлганда, ўз навбатида улар қулай вазиятни қўлдан беришди. Мабодо, оқлар бошқача ўйнаганда, қоралар эҳтиётлик билан дурангга эришиши мумкин.

1. Шe6-e5 Шe8-d7
2. Шe5-d5 Шd7-d8!

Бу узоқ қарши ҳолатни эгаллашдир. Энди юриш навбати оқларда. Агар шоҳ е6 хонасига ўтса, қора шоҳ е8 хонасини, с6га қарши эса, мос ҳолда с8 хонасини эгаллайди. Натижада биз кўриб ўтган ҳолат такрорланади.



60-шакл

60-шаклдаги вазиятни кўриб чиқайлик.

Агар оқлар кўр-кўрона 1. е5-е6 юрса, қора шох е7 хонасига ўтади ва ўйин дуранг бўлади.

Лекин, оқ шохнинг фаоллиги ва зарур хоналарни банд қилиши муҳим аҳамиятга эга.

1. Шd5-d6! ...

Оқ шох бирйўла d7 га ўтиб, е8 хонасини назорат остига олмоқчи ва ёлғиз пиёда хавф-хатарсиз манзилга етади.

1. ...Шf7-e8!

2. Шd6-e6! ...

Қарши ҳолат эгалланди! Агар бунинг ўрнига пиёда олтинчи қаторга сурилганда, юқорида кўриб ўтган вазиятга ўхшаш ўйин бўлар эди.

Энди эса қора шох муҳим хонани тарк этади ва оқлар ютади.

2. ...Шe8-d8

3. Шe6-f7 ...

Биз кўриб ўтган вазиятлар пиёдали ўйин охирларининг энг муҳим қисмидир.


Агар тахтада четки пиёдлардан бири қолса, қарши ҳолат қондаси ўз аҳамиятини йўқотади.

Тахта бурчаги рақиб шохини пиёданинг олдидан сиқиб чиқаришга имкон бермайди. Ўйинда пот ҳолатига имкон кўпаяди.

61-шаклдаги вазиятда юриш кимдан бўлса ҳам ўйин дуранг бўлади.

1. Шb6-a7 ...

Пиёда фарзинга чиқадиган хонани назоратга олиш ғалаба келтирар эди. Лекин чекка йўлаклар бундан мустасно.



61-шакл

1. ... Шс8-с7

2. а5-а6 Шс7-с8

3. Ша7-а8 ...

Ёки шох-б6-хонасига ўтса, қора-шох-в8-га ўтади-ва ўйин пот бўлиши мумкин. (4.а7 Ша8!).

3. ... Шс8-с7

4. а6-а7 Шс7-с8

ўйин пот бўлади.

«ПИЁДАЛАР – ШАХМАТНИНГ ЖОНИДИР»

– XVIII асрда яшаган машхур француз шахматчиси Филидор пиёдаларга шундай баҳо берган эди.

Дарҳақиқат, пиёдали ўйиннинг охирги босқичи мураккаб, шу билан бирга қизиқарли яқундир.

❓ Савол ва топшириқлар

1. Қарши ҳолат қويدаси нима?

2. Тахтага теринг. Оқлар: Шg4, п:а4, Қоралар: Шg7, п: а5.

Юриш оқлардан. Ўйин қандай яқунланишини таҳлил қилинг. Вазиятни ва юришларни ёзиб қўйинг.

3. Оқ шохни а1 хонасига қўйинг. У а7 хонасига йўлак

бўйлаб юришда етиши маълум. Агар шоҳ фақат қора катакларда («d» йўлагигача) юрса, шу хонага неча юришда етиб келади? Нега шундай? Уч хил йўналишни дафтарда чизикларда кўрсатинг.



Буюк кишилар шахмат ҳақида

Мен ҳаётимни шахматсиз тасаввур эта олмайман. У ажойиб ҳордиқ манбаи, ўйин жараёнида мия, онг ўзига хос равишда ҳаракатга келади.

Лев ТОЛСТОЙ

23-дарс

ЎЙИННИНГ БОШЛАНҒИЧ ҚИСМИ

Дебютнинг уч қويدаси

E2-e4!

*Жангни бошлаб берди жасур пиёда,
Сафарбар этилди филлар бир ёнда.
Шоҳ қанотдан паноҳ топгани замон
Учқур от талпинди марказга томон.
Жангда иноқ бўлиб*

лашкарнинг бари

Зўр қадам қўйдилар галаба сари.

Ҳурматли ўқувчи! Сиз бошланғич шахмат қоидалари ва мот қилиш усуллари билан танишиб чиқдингиз.

Демак, энди сиз шахмат ўйнашни ўрганиб олдингиз.

Қизиқарли ва ақлли ўйин – шахматни яхши ўзлаштириш, юқори спорт натижаларига эришиш учун яна нималарга эътибор бериш керак? Ўйин бошида қандай юришлар қилиш керак? Бу саволлар ҳар бир ҳаваскор шахматчини ўйлантириб қўяди.

Маълумки, ўйин бошида икки томонда ҳам имкониятлар тенг бўлади (7-шаклга қаранг).

Оқ ва қора доналар тенг ҳудудга, симметрик ҳолатга эга бўлади. Тўғри, оқларнинг кичик устунлиги мавжуд. Бу биринчи бўлиб юриш қилиш ҳуқуқидир. Бу устунлик сезиларлими?

Ўйинлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кучли усталарнинг учрашувларида оқларнинг устунлиги маълум вақт сезилиб турса-да, бора-бора қоралар ўйинни тенглаштириши мумкин экан. Ғалаба қилувчи томон қайси доналарда ўйнашидан қатъи назар билими, маҳорати туфайли устун келади. Бошловчи шахматчилар ўйин бошида сипоҳларни тезроқ ривожлантиришга ва марказни эгаллашга интилиши лозим.

Ўйин бошига оид бир неча мисолларни кўриб ўтамиз. Юришларнинг тартиб рақамлари оқларнинг юришидан олдин кўрсатиб борилади.

1. e2-e4 e7-e5

Пиёдалар марказда жойлашди ва d5, d4 хоналари назорат остига олинди. Мухими, фарзин ва филлар учун йўл очилди.

2. Ф3d1-h5 ?! ...

Фарзин кучли сипоҳ. Ҳозир ҳам ҳужумга чиқиб бирйўла e5 пиёдасига ва қора шохга кўз олайтирмоқда. Лекин, қатор тўғри ҳимояланса, фарзиннинг ҳаракатлари беҳуда кетади.

2. ...Ob8-c6!

Сипоҳ ўйинга чиқарилди ва бирўла пиёда ҳимоя қилинди. Агар қоралар шопмашошарлик билан 2. ... Og8-f6? юриб, фарзинга хужум қилганда, пиёда қурбон этиларди – 3. Ф3h5:e5

3. Фf1-c4 ...

Энг яхши ҳимоя қарши хужумдир. Бунинг ўрнига қора фарзин e7 хонасига ўтса, филнинг йўлини тўсиб қўяди, f6 хонасида эса отнинг жойини банд қилади.

4. Ф3h5-f3 ...

Қизиққон фарзин мот пайида: нишонда яна f7 пиёдаси. Лекин оқлар фарзини чекиниб бир юриш йўқотишга мажбур бўлди. Беҳуда юриш – вақт йўқотишдир. Шахматда вақт – юришлар билан ўлчанишини унутманг.

4. ... Og8-f6!

Яна яхши юриш қилинди. Ривожлантирилган от f7 хонасини тўсиб қўйди.

5. Ф3f3-b3 ...

Фарзин ўйин бошида учинчи бор юриш қилмоқда. Заруратсиз бундай юришлар ўрнига тезроқ енгил сипоҳлар – от ва филларни ривожлантирган маъкул. Айни вақтда f7 хонаси учинчи бор нишонга олинди. Лекин, қоралар хушёр бўлса, бу ҳамлани қайтариш ҳеч гап эмас. Ҳозир фарзинни e7 хонасига юриш ҳам мумкин. Чунки қора фил g7 хонасига чиқади. Қораларнинг ихтиёрида яна бир йўл – қарши хужум бошлаш имконияти бор (62-шакл).


5. Oc6-d4 !

6. Фc4:f7 + Шe8-e7

7. Ф3b3-c4 b7-b5 !

Қоралар бу юришдан кейин бир сипоҳ ютиб олади.

Чунки фарзин филни ҳимоясиз қолдириб кетишга мажбур.



62-шакл

8. Фзс4-с3 Ше7: f7

Оқ фарзиннинг «тузоқлари» иш бермади. Қоралар моддий устунликка эришди.

Ўйин бошида томонлар учта асосий қоидага амал қилишлари керак. Булардан биринчиси марказни назорат қилишдир.

Кўпинча ўйинлар 1. e2-e4 ёки 1. d2-d4

пиёда суришлари билан бошланади. Бу – марказ учун курашнинг энг яхши йўллариدير. (Шунингдек, баъзан 1.c2-c4 каби бошқа юришлар ҳам тажрибада қўлланилади).

Яна бир бошланишни кўриб ўтамиз.

1. e2-e4 e7-e5
2. Oг1-f3 Ob8-c6
3. Фf1-c4 Фf8-c5

Иккинчи асосий қоида – сипоҳларни тезроқ ривожлантиришдир. Биринчи галда энгил сипоҳлар ўйинга чиқарилиши керак. От ва филлар ҳозир энг яхши хоналарда жойлашиб, марказни назорат қилмоқда.

4. Ob1-c3 Og8-f6

5. 0-0 ...


Учинчи муҳим қоида – шоҳни яшириш, яъни рокировка қилиш саналади. Оқ шоҳ ўнг қанотда ўзига хос «саройга» яширинди: уни учта пиёда, от ва руҳ мустаҳкам кўриқламоқда. Қоралар ҳам шундай йўл танлаши табиий. Ўйин ўргаларида шоҳ ҳимояга муҳтож бўлади. Сипоҳлар камайиб, ўйин охирлаганда эса шоҳларнинг мот бўлиш эҳтимоли камаяди ва улар курашда фаол иштирок этадилар.

5. ... O-O

6. d2-d3 d7-d6

7. Фc1- g5 Фc8-е6

Икала томон ҳам барча енгил сипоҳларни ўйинга сафарбар қилиб, шоҳларни яширишди (63-шакл).



63-шакл

Келгуси режа оғир сипоҳлар – фарзин ва руҳларни кулай хоналарда жойлаштиришдан иборат.

Шундан сўнг ўйиннинг бошланғич қисми яқунланиб, ўйин ўргалари бошланади.

Ўйиннинг бошланғич қисми дебют (яъни бошланиш) деб аталади.

ДЕБЮТЛАР одатда 12-20 юришлар давом этади.

Ҳар бир дебютнинг ўз номи бўлади. Биз кўриб ўтган бошланиш «Итальянча партия» деб номланган. Чунки, дастлаб бу дебютни итальян шахматчилари ўрганиб чиқишган ва амалда қўллаган. Шунингдек, бошқача юришлар билан бошланувчи «Испанча партия», «Ҳинд химояси», «Французча химоя», «Икки от химояси» сингари кўплаб дебютлар мавжуд.

Яхши шахматчи бўлиш учун кўпроқ дебютларни билиш керак. Лекин, энг муҳими ўйин бошларидаги асосий қоидаларга амал қилиш ва уларни қўллашдир. Шахматчи малакаси ошган сайин услубига хос дебютларни мукамалроқ ўрганиб бориши талаб этилади.


Энди сизга таниш бўлган «Итальянча партия»нинг бошқа бир йўналишини кўриб ўтайлик.

1. e2-e4 e7-e5
2. Og1-f3 Ob8-c6
3. Фf1-c4 Фf8-c5
4. c2-c3 Ob8-c5
5. d2-d3 a7-a6
6. Фc4-b3 d7-d6
7. Ob1-d2 O-O
8. h2-h3 Фc5-a7
9. O-O ...

Ёш ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов ўйинларидан бири ана шундай бошланган эди (64-шакл).

(Қосимжонов – Пикет, Вейк-ан-Зее, 1999 йил)

Баъзан ўйинларни ёзишда қисқача ёзувдан ҳам фойдаланилади. Қисқача ёзувда донанинг дастлаб турган хонаси ёзилмай, қайси хонага юрганлиги кўрсатилади, холос.



64-шакл

Масалан, юқорида кўриб ўтган партия қисқача ёзувда куйидагича ифодаланади.

1. e4 e5 2. 0f3 0c6 3. Фc4 Фc5 4. c3 0f6
 5. d3 a6 6. Фb3 d6 7. 0bd2 00 8. h3 Фа7. 9.
 0-0 ...

Энди ўйин бошларида у ёки бу томоннинг хатоси туфайли тез якунланган бир неча партияни кўриб ўтайлик. Матнлар қисқача ёзувда берилмоқда.

1. e4 e5 2. Фc4 Фc5 3. Фzh5?!


Фарзиннинг тезда ўйинга чиқарилиши яхши эмас.

Ҳозир қоралар 3... Фze7 ўйнаб e5 ва f7 пиёдаларини кўриклаши лозим эди.

3. ... d6?? Эҳтиётсизлик.

Қоралар-e5 пиёдасини ҳимоя қилди.

Лекин, 4. Фz:f7 х мотни «кўрмай» қолишди (65-шакл).



65-шакл


Яна бир мисол:

1. e4 e5. 2. Of3 Oc6. 3. Фс4 Od4 !?

Агар эҳтиёж бўлмаса, бир сипоҳ билан дебютда икки-уч юриш қилиш яхши эмас. Айни дамда қоралар тузоқ кўймоқда.

4.0: e5 Фзg5 5.0:f7 Фз:g2 6. Pf1 Фз:e4 7. Фе2 Of3 х.

Бу – «Бўғиқ мот» дейилади (66-шакл).



66-шакл

Доналарни жой-жойига териб яна бир қизик учрашувни томоша қилайлик.

1. e4 e5. 2. Of3 d6 3. Фс4 h6 ?!

Бошловчи шахматчилар йўл қўядиган одатдаги хато. Оқлар икки сипоҳини ўйинга чиқарди, қоралар эса эҳтиёжсиз пиёда сурмоқда. Вақтни йўқотмасдан от ва филларни ривожлантириш керак.

4. Ос3 Фg4?


Бу эса, оқларга чиройли яқунловчи зарбалар бериш учун имкон беради. Лекин бу зарбаларни топиш осон эмас.

5. О:e5! Ф:d1

Энг яхшиси. 5. ... d:e5 ўйнаб. 6Фз:g4 дан кейин пиёдасиз қолиш эди. Аммо бутун бир фарзинни олмай бўладими?! Балки оқлар фарзинни унутиб қолдиргандир?

Йўқ, улар чиройли яқун учун энг кучли сипоҳини қурбон қилмоқда. 6. Ф:f7+ Шe7 7. О:d5 х.

Сиз бу ажиб ҳолатни илк бор кўриб турибсиз (67-шакл). Лекин, у икки аср муқаддам 1787 ўйналган. Француз шахматчилари Легал ва Сен-Бри учрашуви ана шундай яқунланган эди. Шундан буён бу гоյ тажрибада тез-тез учрайдиган бўлди ва «Легал моти» номини олди.



67-шакл

Қуйидаги қисқа ўйинлар ҳам тажрибада тез-тез учраб туради:

1. e4 c6 2.d4 d5 3. Oc3 de 4. O:e4 Of6 5. Фз e2.

«Тузок кўйилди».

5. ... Obd7? 6. Od6x

Яна бир мисол.

1. d4 d5 2.c4 e6 3.Oc3 Of6 4.Фг5 Obd7 5.cd ed 6.O:d5?

Бу сафар оқлар «тузок»қа илинди.

6. ...Od5! 7.Ф:d8 Фb4 + 8.Фзd2

Оқлар фарзинни қайтариб беришга мажбур. Энди қоралардан бир сипоҳ ортиб қолади.

8. ... Фd2 9. Шd2 Ш:d8

❓ Савол ва топшириқлар

1. Дебют нима?

2. Ҳайин бошларидаги уч асосий қоида нималардан иборат?

3. Марказнинг қандай муҳим томонлари бор?



Шахмат тарихидан

Осиё – шахмат Ватанидир. Юртимиздаги қадимги одамлар манзилгоҳи Далварзинтепада (Сурхондарё вилояти) IV асрга оид шахмат доналари топилган. Қарийб бир ярим минг йил аввал Ҳиндистонда бу ҳайин «Чатуранга» деб аталган. «Чатуранга» тўрт томонда ўтирувчи рақиблар ўртасида ҳйналиб, «Тўрт қўшин», «Тўрт қўр» маъноларини англатган. Доналар ва ҳйин қоидалари ҳам бошқачароқ бўлса-да, бу ҳозирги шахматнинг дастлабки қўриниши эди.


ОДДИЙ КОМБИНАЦИЯЛАР

*Шахматда бор тарози тоши,
Яхши билинг сипоҳ қадрини.
Лек муқаррар мот бўлса шоҳи,
Аямангиз руху-фарзинни.*

Шахматда чиройли юришлар, кутилмаган курбонлар ҳамиша қадрланади. У шахматчиларга эстетик завқ беради, яхши кайфият улашади. Шахмат ўйинининг гўзаллиги, айниқса, комбинациялар рўй берганда яққол кўзга ташланади.

КОМБИНАЦИЯ – доналарни курбон қилиш билан боғлиқ мажбурий юришлардир.

Қуйидаги вазиятда кучлар нисбати тенг. Лекин оқлар комбинация ёрдамида тезда ғалаба қозонадилар (68-шакл).



68-шакл

1. Фзе4-е8+1

Фарзин руҳдан кучли сипоҳ. Лекин охирги қаторда

ҳимоя заифлашганлиги мот қилиш имконини яратди. Бундай вазиятларда доналарнинг моддий кучидан кўра, аниқ мақсад ва ғоя аҳамиятлироқдир.

1. ... Pd8:e8 2. Pe1:e8 x

Бу энг содда комбинациялардан бири. Унинг ғояси рақиб шоҳини мот қилишдан иборат бўлди. Тажрибада шунга ўхшаш комбинациялар тез-тез рўй бериб туради. Комбинацияни умумлаштириш мумкин.

Рақиб шоҳини мот қилиш билан боғлиқ комбинациялар билан танишиб чиқайлик.


ОХИРГИ ҚАТОР ЗАЙФЛИГИ. Кўп ҳолларда бу комбинация бошлаш учун сабабга айланади. Кўриб ўтилган мисолда қоралар саккизинчи қаторни заифлаштириб қўйган эди.

Бу фарзинни қурбон қилиб, мот қилиш ғоясини келтириб чиқарди. 69-шаклдаги вазият эса бироз мураккаб. Чунки унда бир-бири билан боғлиқ мажбурий юришлар кўпроқ.

1. ... Ф3h5:e2 !

2. Pe1:e2 Pc8-c1+

3. Фg2-f1 Фf5-h3 !




69-шакл

Бу юришлар албатта, аввалдан ҳисобга олинаши керак. Энди мотдан қутулишнинг иложи йўқ.

Бундай мажбурий юришлар кетма-кетлиги ЙЎНАЛИШ деб аталади.

Комбинацияда бир неча йўналишлар бўлиши мумкин. Лекин улар барчаси аввалдан баҳоланиши ва ҳисоблаб чиқилиши керак.

Тажрибада тез-тез учраб турадиган мот турларидан бири – «Бўғик мот»дир. Фарзин ва от иштирокидаги бу мот қизиқарлидир (70-шакл).



70-шакл

Оқлар қандай юриш қилиши керак?

Агар 1. Фзf7 + бўлса, шоҳ h8 хонасига ўтади. Лекин оқлар комбинация қилиб, беш юришда мот қўйиши мумкин.

1. Фзf4-c4 Шg8-h8

Мабодо шоҳ f8 хонасига ўтганда f7 хонасида мот бўларди.

2. Оq5-f7 + Шh8-g8

3. Of7-h6 ++

Иккиёқлама кишт берилди. Бу жуда зарур юриш эканлиги кейин маълум бўлади.


3. ... Шg8-h8

4. Фзс4-g8 +! Pб8:g8

5. Оh6- f7 х.

Ўз сипоҳлари қуршовидаги шохни ёлғиз от билан бўғиб мот қилиш ва фарзин қурбони катта таассурот қолдиради.

«ТЕГИРМОН». Бу комбинация қизиқ ва ёрқин кўринишга эга. Унда ҳужум қилувчи кишт ва очиб кишт бериш йўллари билан ғалаба қозонади.



71-шакл

71-шаклдаги вазиятда қ6 хонасини кўриқлаётган рух йўқотилади ва «тегирмон иш»га тушади.

1. Фзd2:g5 ! h6:g5

2. Pф6:g6 + Шg7-h7

3. Pг6:e6 ++ ...

«Очиқ кишт». Бирйўла ўлжа йиғиш бошланади.

3. ... Шh7-g7

4. Pе6-g6 + Шg7-h7

5. Pг6:d6 ++ Шh7-g7

Қора шохнинг бошқа қочадиган хоналари йўқ. Рухнинг олтинчи қатордаги такрорланувчи ҳаракатлари тегирмоннинг айланишини эслатади.


6. Pd6-g6 + Шg7-h7
 7. Pg6:c6++ Шh7-g7
 8. Pc6-q6+ Шq7-h7
 9. Pg6 :b6 ++ Шh7-g7
 10. Pb6-g6 + Шq7-h7

Ниҳоят, олтинчи қатордаги «қўлга илинадиган» доналарнинг барчаси ютиб олинди. Энди ов – фарзин орқасидан.

11. Pg6-a6++ Шh7-g7
 12. Pa6:a2

Оқлар қатта моддий устунликка эришди. Энди ғалаба қилиш қийин эмас.

«ЖАЛБ ҚИЛИШ». Бу ғоя ҳам хужум вақтида тез-тез ишлатилади. Унинг мақсади рақиб сипоҳини ўзи учун ноқулай бўлган хонага жалб қилишдир.



72-шакл

72-шаклда оқ шоҳ мот тўрида, уни тўғридан-тўғри ҳимоялаш қийин. Лекин оқлар жалб қилиш ғоясидан фойдаланиб, рақиб шоҳини тезроқ мот қилишга эришади.

1. Фzd5-a8 + ! ...

Яна фарзин ўзини қурбон қилимоқда. Мақсад — шоҳни


а8 хонасига жалб қилишдир. Шунда тезроқ мот қилиш учун суръат ютилади.

1. ... Шb8:a8

2. Фb5-c6+ Ша8-8

3. Pf1-b1 x

Қуйидаги вазиятда эса қора шохни мот бўладиган бурчакка мажбуран етаклаб келиш мумкин (73-шакл).



73-шакл

1. Фзб3:g8 +! Шf8:q8

2. Ph7-h8 +! Шq8:h8


Қора шохни мот тўрига солиш учун фарзин ва рухнинг баҳридан ўтилди. Энди очиб кишт бериш билан мот қўйиш мумкин.

3. Фh5-f7 x

«ЧАЛҒИТИШ». Бундай комбинацияларда рақиб сипоҳи (пиёдаси) муҳим хонани ёки йўлакни ҳимоялашдан чалғитилади.

74-шаклдаги вазиятда қора шохнинг ҳимоя кўрғони мустаҳкам эмас.

Шоҳга очиқ йўлақлар бўйлаб ҳужум қилиш мумкин. Оқ сипоҳлар фаол жойлашган. Айниқса, b2 хонасидаги фил зўр тазйиқ кўрсатмоқда.



74-шакл

Буларнинг барчаси комбинация излаш учун асос бўлади. Вазиятни таҳлил қилайлик. Агар оқ фарзин g3 хонасидан кишт берса, қора шоҳнинг аҳволи янада оғирлашади. Лекин бу муҳим хонани қора фарзин кўриқламоқда. Демак, фарзинни чалғитиш керак экан. Бу куйидаги комбинацияни бошлаш имконини беради.

1. Pd1 – 7! ...

Энди, рух олинмаса, «тегирмон» усули ишга тушади.

(1. ... Фзс7-б8 2. Pd7-g7 + Шг8-h8 3. Pg7-g5 х).

1. ... Фзс7:d7

Оқлар сипоҳ қурбон қилиб, қора фарзинни чалғитишди, энди кишт бериш мумкин.


2. Фзf2-g3+ Шг8-f7

3. Фзg3-g7 х

Албатта, комбинация бошладан олдин шахматчи бошқа йўналишларни ва охириги ҳолатни хаёлан тасавурида ҳисоблаб чиқиши зарур. Шундан сўнг, ҳисоб тўғрилигига амин бўлгач, комбинацияни бошлаши керак.

«ХОНАНИ БЎШАТИШ». Баъзан шундай бўладики, ўзининг сипоҳи мот қилиш учун ҳалал беради. Бунда ҳам қурбон бериб, суръат ютиш ва мот қилиш ғояси

пайдо бўлади (75-шакл). Оқ шоҳ мот тўрида. Лекин, «h» йўлаги очиклиги комбинация бошлаш учун асос бўлади.



75-шакл

1. ...Фd3:h7 + Шg8-h8
2. Фd3-f5 +! Шh8-g8 +

Аввалига «h» йўлаги тозаланди ва қора филнинг кўзи «ёпилди». Энди кишти-қойим усули ёрдамида дуранг қилиш мумкин. Лекин, ўйлаб кўрамиз. Агар h1 хонасидаги рухнинг ўрнида фарзин бўлганда эди! Демак, h1 хонасини зудлик билан бўшатиш зарур.

3. Ph1-h8+! Шq8-h8
4. Фzd1-h1 + Of4-q3
5. Фzh1: h3 + Шh8-q8
6. Фzh3-h7 x

Шахмат тахтасида гўё мўъжиза рўй берганга ўхшайди. Оқлар қалтис вазиятда ғалабага элтувчи ягона йўлни топдилар. Бу комбинация ёрдамида амалга ошди.



Шахмат тарихидан

IV-V асрлар. Ўрта Осиёда икки рақиб ўртасида ўйналувчи янги ўйин «Шатранг» пайдо бўлди.

64-катакли тахтада шох, рух, фил, фарзин, от ва пиёдалар жой олди. 550 йиллар шатранж ўйини ҳақида илк маълумотлар тарқалди. VII асрга келиб, шахматнинг арабча атамаси шатранж машхур бўлиб кетди. Ўрта Осиё халқлари орасидан таниқли усталар етишиб чиқди. Улар «Олия»лар деб аталди. Малака жиҳатидан шатранжчилар илк бор тоифаларга бўлинди.


847 йил. Ал-Адлий томонидан биринчи шатранж китоби ёзилди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ


1. ТОПШИРИҚЛАР

Хурматли ўқувчи! Сиз шахматнинг сеҳрли олами билан ошно бўлдингиз. Лекин яхши натижаларга эришиш, шахматни чуқурроқ ўрганиш учун ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Зеро, изланиш, меҳнат инсонни кўзлаган мақсади сари етаклайди.


Энди кучингизни қуйидаги топшириқларда синаб кўринг. (76–85-шакллар. Келтирилаётган ўнга топшириқда ҳам чиройли комбинациялар яширин. Уларнинг ечимини мустақил топишга ҳаракат қилинг. Барча вазиятларда оқлар бошлайди ва ютади.)




76-шакл




77-шакл




78-шахл




79-шахл




80-шахл




81-шахл




82-шахл



83-шахл



84-шакл



85-шакл

2. МУСТАҚИЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон гроссмейстерлари ижодидан


Хурматли ўқувчи! Сиз шахматнинг сеҳрли оламида илқ қадамларни қўймоқдасиз. Шахмат ўйини қоидалари ва алифбоси билан ҳам танишдингиз. Демакки, сиз учун, бу қадимий ўйин сирларини чуқурроқ ўрганиш, маҳоратингизни ошириш учун йўл очик. Энди сиз мураббийингиз билан (ёки мустақил ҳолда) кучли шахмат усталари, жаҳон чемпионлари ижоди билан танишишингиз, адабиётлардаги қизиқарли учрашувларни таҳлил қилишингиз мумкин. Бундай мустақил тайёргарлик ёш шахматчилар учун, айниқса, фойдалидир. Қуйида эътиборингизга юртимиздан етишиб чиққан гроссмейстерларнинг ижодларидан намуналар келтирилмоқда.

М. ТАЛЬ – Г. АЪЗАМОВ

Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов (1954-1986) кўплаб халқаро турнирларда ғолиб чиққан. Жаҳоннинг саккизинчи чемпиони Михаил Таль билан кечган учрашув Аъзамовнинг қизгин ва хужумкор услубидан далолат беради. Ушбу ўйин 1984 йили Сочи (Россия) шахрида ўйналган бўлиб, шу халқаро турнирда Георгий Аъзамов биринчи ўринни эгаллаган эди.

14. ... d5-d4!
15. e3:d4 Фc8-g4
16. g2-g3 Oc6-b4
17. Фb2-a3 Ob4:d3
18. Фа3:d6 Фc7:d6
19. Pd1:d3 Фd6b4
20. Фе2-f1 Фc8-f5
21. Oc3-d1 Фf5:d3
22. Фf1-d3 Of6-d5

Бир неча юришлардан сўнг қоралар ғалаба қозондилар (0:1).




86-шахс

С. ЙЎЛДОШЕВ – Н. ДЕ ФИРМИАН

Саидали Йўлдошев (1968 йили Чирчиқ шаҳрида туғилган) Ўзбекистон терма жамоасининг етакчи шахматчиларидан саналади. У жаҳон олимпиадаларида, Осиё биринчиликларида қимматли ғалабаларни қўлга киритиб, юртимиз довуғини дунёга таратмоқда.

Қуйидаги учрашув 1996 йили Ереван (Арманистон) шаҳрида ўтказилган жаҳон олимпиадасида ўйналган. Саидалининг рақиби машҳур америкалик гроссмейстер Ник Де Фирмиан эди.

- | | |
|--------------|----------------------------|
| 22. f4-f5 | e6-e5 |
| 23. Of3-h4! | g6-g5 |
| 24. f5-f6+ | Pf8:f6 |
| 25. Oe4-f6 | Фze7:f6 |
| 26. Pe2-f2 | Фzf6-e6 |
| 27. Pe1-f1 | Pc8-d8 |
| 28. Фzg3-f3! | Фe6-d7 |
| 29. Фzf3-f7+ | Фze6-f7 |
| 30. Pf2:f7+ | Шg7-g8 |
| 31. Oh4-g6 | Oc7-e6 |
| 32. Og6-e7+ | Шg8-h8 |
| 33. Pfl-f6 | Қоралар таслим бўлди (1:0) |



87-шакл


Р. ҚОСИМЖОНОВ – Л. ВАН ВЕЛИ

Гроссмейстер унвони энг юқори шахмат даражаси ҳисобланади. Халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган истеъдодли шахматчиларгина бундай унвонга сазовор бўладилар. Иқтидорли ўзбек шахматчиси, Осиё чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби Рустам Қосимжонов эса 18 ёшида гроссмейстер, 25 ёшида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Рустам Қосимжонов 1979 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг катта ютуқлари ҳали олдинда. Келтирилаётган партия 1999 йили Голландиянинг Вейк-ан-Зи шаҳрида ўтказилган «супертурнир»да ўйналган бўлиб, унда Рустам Қосимжонов жаҳоннинг етакчи шахматчиларидан бири – голландиялик Ван Велини мағлубиятга учратди. (88-шаклга қаранг).

- | | |
|-------------------|----------|
| 29. h2-h4! | h7-h6 |
| 30. Oe5-e7+ | Шг8-h8 |
| 31. Oe7-g6+ | ! f7:g6 |
| 32. Фd3-f8+ | Фзс4-q8 |
| 33. Pb7-b8 | Фзг8:f8 |
| 34. Pb8:f8+Шh8-h7 | |
| 35. Pf1-e1 | g6-g5 |
| 36. h4-h5 | Фb6-c5 |
| 37. Pf8-c8 | Pc2-f2 + |
| 38. Шг2-h3 | Фс5-f8 |
| 39. Pel-e8 | Шh8-g8 |
| 40. c3-c4 | a7-a5 |
| 41. c4-c5 | a5-a4 |
| 42. c5-c6 | a4-a3 |
| 43. Pe8:f8+! | ... |

Қоралар таслим бўлди (1:0)



88-шакл



Шахмат тарихидан

IX асрда шатранж назариясига оид адабиётлар пайдо бўлди. Сунъий мевалар, яъни мансубалар тузилди. Бу ҳозирги шахмат композициясининг асоси бўлди. Ҳайвоний ривожлантириш мақсадида табиялар ўйлаб топилди. Табиялар ўйиннинг бошланғич қисмидаги вазиятларни англатса, мансубалар ўйин охирига оид бошқотирмалардан иборат бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур шатранжни улуғлаган, уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Саройда шатранж олияси ва назариётчиси Али Шатранжий айниқса машҳур бўлган.

VII-IX асрларда шатранж Европага кириб келди. Испания, Италия, Россия, Франция каби давлатларда кенг тарқалди. Янги ном «Шахмат» пайдо бўлди. Бу атама «шоҳ» ва араб тилидаги «мот» сўзларидан олинган эди.

3. САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

5-дарс

4) Шоҳнинг энг қисқа йўлига тўрт юриш, энг узун йўлига саккиз юриш талаб этилади.

6-дарс

2) Масалан: Фза8, Фзб2, Фзһ7, Фзг3.

7-дарс

4) Шоҳ 7 юришда. Фарзин 1 юришда. Рух 2 юришда.

8-дарс

1) Фһ1-а8-д5-а2-г8-һ7-б1-е4-һ1

9-дарс

1) Оһ8-ф7-е5-г4-ф2-һ1-г3-е4-д2-б3-а1-с2-д4-б5-с7-а8

10-дарс

1) а) Оқ пиёда а6, с6 пиёдаларини б) а6, с6 пиёдаларни.

2) ф3 пиёдаси 5 юришида, һ7 пиёдаси ҳам 5 юришда.

4) ... -f8 0+! Og6:f8 2.g7:f8 0+

11-дарс

2) а) йўк. б) йўк.

12-дарс

3) а) 1. Фзс3-а5+; 1. Ра7-д7+; 1. Фе3-г5+; 1. Ое5-ф7+

1. с6-с7+; 1. е6-е7+;

б) 1... Фзһ3-һ4+; 1... Фзһ3. - ф1+; 1... Фзһ3:е6+;

1... Ph8. һ4+ 1... Фг8:е6+

1... Ос8-в6+; 1... д6-д5+

4) а) 1. Фзһ6-қ7х; 1. Фзһ6-ф8х; 1. Фзһ6-һ8х; 1. Фзһ6-һ7х; 1. Ра7-г7х; Фг4-е6х; 1. ф6-ф7х

5) 1... Фзд4-с4х; 1... 1... Фзд4-д3х; 1... Фзд4-г1х; 1... Фзд4-ф2х 1... Pd2-ф2х; 1... Фе4-д3х; 1... г3-г2 х

14-дарс

2). һ2-һ3! ва ҳар қандай юришда пот.

15-дарс

- 2) Ха. 1. Фзd3-d5+Pa7-b7 2. Фзd5-a5 Фзb8-a7
3. Фза5+ b8+

16-дарс

- 1) 1. Фзh8x; 2) 1. Pb3 Ша5 2. Pa7x;
3) 1. Ph4+Шг7 2. Ph7x;
4) 1. Фзг5+ Шh8 2. Фзh6+Шг8 3. Фзh7x

17-дарс

- 2) Фзb1-g8!

18-дарс

- 4) а) 1. Pc3-f3! Ше8-d8
2. Pf3-f8x б) 1.... Pa1-a3! 2. Ше3-d3 Pf8-f3x

19-дарс

- 2) 1) Шс5-c6 Ша6-a7
2. Фе6-c4 Ша7=b8 3. Фd8-c7+Шb8-a7 4. Фс7-e5

Ша7-a8

5. Шс6-c7 Ша8-a7 6. Фе5-d4+ Ша7-a8 7. Фс4-d5x

20-дарс

- 1) 1. Ов1-d2 a4-a3
2. Od2-c4 a3-a2 3. Oc4-e5 a2-a1 Фз 4. Oe5-g6x
2) 1. Фb2-f6! q7:f6 2. Ше7-f8
f6-f5 3. Oh6-f7x

21-дарс

- 2) оқлар ютади. Шh8-q8 2. a2-a4 Шг8-f8 3. a4-a5
Шf8-e7 4. a5-a6 Шd7-c7 5. a6-a7 Ше7-d7
6. a7-a8Фз.

22-дарс

- 2) 1. Шг4-f5 Шг7-f7 2. Шf5-e5 Шf-e7 3. Ше5-d5 Ше7.
d7 4. Шd5-c5 Шd7-c7 5. Шс5-b5 Шс7-b7 6. Шb5:a5
Шb7-a7.

Иккинчи бўлим. Топшириқлар

- 76-шакл. 1. Фзс2-c7!

77-шакл. 1. $\Phi h6-f8+\Phi g4-h5$ 2. $\Phi 3h4:h5+!$ $g6:h5$ 3. $Pd6-h6x$

78-шакл. 1.... $\Phi 3d4-q1+!!$ $2Шh1:g1$ $\Phi g7-d4+ва$ 3.....
 $Pg8-g1x$

79-шакл. 1... $Pf8:f3!$ 2. $g2:f3$ $\Phi 3d7-h3$ 3. $Pf1-e1$
 $\Phi d6:h2+4.$ $Шg1-h1$ $\Phi h2-g3+5.$ $Шh1-g1$ $\Phi 3h3-h2+$
6. $Шg1-f1$ $\Phi 3h2:f2x$

80-шакл. 1. $\Phi 3c3-h8+!!$ $Шg8:h8$ 2. $0g5:f7+ва$ 3. $0f7:d6$

81-шакл. 1. $Oh3-g5 + Шh8-g8$ 2. $Ph1-h8+!$ $Шg8-h8$
3. $Pg1-h1+ Шh8-g8$ 4. $Ph1-h8+!$ $Шg8:h8$ 5. $\Phi 3d1-h1+$
 $Шh8-g8$ 6. $\Phi 3h1-h7x$

82-шакл. 1. $\Phi e2-b5!$ $\Phi 3c6:b5$ 2. $od5-c7 + ва$ 3. $Ос7:d5$

83-шакл. 1. $\Phi 3b4-f8+!!$ $Шg8:f8$ 2. $Ph1-h8 x$

Ёки 1... $Pe8:f8$ 2. $Of5-e7 x$

84-шакл. 1. $Pc2-c8+Pg8:c8$ 2. $\Phi 3b6-a7+!!$ $Шb8:a7$
3. $b7: c8 O!$ $Ша7-b7$ 4. $Ос8:e7.$

85-шакл. 1. $Pg5-c5!$ $\Phi 3c4:c5$ 2. $Pg7:h7+!$

$Шh8:h7$ 3. $\Phi 3g1-g7x$

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Шахматы. Энциклопедический словарь». Москва, 1990.
2. «Ваш первый ход». Сокольский А.П. Москва, 1989
3. «Куда идёт король?». Хенкин В. Москва, 1984 й.
4. «Путешествие в шахматное королевство». Авербах Ю., Москва, 1984.
5. «Шахмат». Муҳиддинов М. Тошкент, 1992 й.
6. «Шахматное обозрение-64» журнали, Москва, 1992-99.
7. «Первый шах». Зенков Г.М. 1998. Кемерово.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

1-дарс. Шахмат тахтаси.....	3
2-дарс. Шахмат ёзуви.....	6
3-дарс. Шахмат доналари.....	9
4-дарс. Ўйинқоидалари.....	12
5-дарс. Доналарнинг юриш қоидалари. Шоҳ.....	14
6-дарс. Фарзин.....	18
7-дарс. Рух.....	20
8-дарс. Фил ва «очмас».....	23
9-дарс. От ва икки ёқлама зарба.....	27
10-дарс. Пиёда.....	30
11-дарс. Шоҳни яшириш – рокировка.....	35
12-дарс. Шоҳга ҳужум. Кишт бериш ва мот.....	38
13-дарс. Дуранг. Ўйин охирида кучлар тенглиги.....	45
14-дарс. Пот.....	48
15-дарс. Кишти-қойим усули.....	54
16-дарс. Ёлғиз шоҳни мот қилиш.....	57
17-дарс. Фарзин билан мот қилиш.....	58
18-дарс. Рух билан мот қилиш. Чизикли мотлар.....	62
19-дарс. Икки фил билан мот қилиш.....	66

20-дарс. Икки от шоҳга қарши.....	68
21-дарс. Шоҳ ва пиёда шоҳга қарши квадрат қондаси.....	72
22-дарс. Мотми, пот?.....	76
23-дарс. Ҳўйиннинг бошланғич қисми.....	80
24-дарс. Оддий комбинациялар.....	90

Иккинчи бўлим

1. Топшириқлар.....	99
2. Мустақил таҳлил қилинг!.....	101
3. Савол ва топшириқларнинг жавоблари.....	106
4. Фойдаланилган адабиётлар.....	109

Маматқул ХАЙЛАЕВ

ШАХМАТ САБОҚЛАРИ

Мухаррир:

Адиба Ҳамро қизи

Техник муҳаррир:

Рустам Ортиков

Мусаххих:

Сухробжон Аввалбоев

Нашриёт лицензияси: АИ № 221, 16.11.12.

Босишга рухсат этилди: 09.04.2016.

Бичими: 84/108 1/16. Офсет босма. “Times”
гарнитураси.

Шартли босма табоғи: 7,0.

Нашриёт босма табоғи: 6,25.

Адади: 1000 нусха. Буюртма: № 03-15.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Нашриёт манзили:

“Yurist-media markazi” нашриёти,
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй

Тел.: 212-47-79, 230-04-74

E-mail: yurist_media@mail.ru

Босмаҳона манзили:

«Sirius-media» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди
Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 4-уй.